Бизлар Буюк Турон диёрида унибўсган икки оға-ини халқмиз. Тилимиз ҳам, дилимиз ва динимиз ҳам муштаракдир.

Ислом КАРИМОВ.

Ўзбекдан дўсти ва қариндоши бўлмаган қозоқни топиш қийин. Қозоқдан дўсти ва қариндоши бўлмаган ўзбек ҳам йўқ.

Нурсултон НАЗАРБОЕВ.

БУГУН ҚОЗОҒИСТОНДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КУНЛАРИ БОШЛАНДИ

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1995 йил 20 май, шанба №60 (21.823.) Сотувда эркин нархда.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ХАЛҚАРО ИСЛОМ ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ислом таълимоти ва фалсафасини кенг ўрганиш, ўзбек халқининг диний, тарихий ва маданий меросини чуқур илмий тадқиқ этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади**:

1. Моваро‌уннаҳр мусулмонлари идорасининг Тошкент шаҳрида Халқаро ислом тадқиқот марказини ташкил этиш ва унинг мақомини Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг илмий-тадқиқот муассасаларига тенглаштириш ҳақидаги таклифи қабул қилинсин. Марказнинг низоми, тузилмаси ҳамда марказ ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш разрядлари ва тариф коэффициентлари, ходимларнинг сони ва уларга тўланадиган маблағ ҳисоб-китоби тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

Тошкент Халқаро ислом тадқиқот маркази фаолиятини таъминлаш учун Моваро‌уннаҳр мусулмонлари идораси ҳамда республика бюджети ҳисобидан тенг улушларда маблағ ажратилишини инобатга олиб, 1995 йилнинг июль ойидан бошлаб ҳар йили бюджетни шакллантиришда тегишли маблағ ажратишни назарда тутсин;

Халқаро ислом тадқиқот марказига хизмат кўрсатиш учун 1 та енгил автомашинага лимит ажратсин.

3. «Тошшаҳарйўловчитранс» уюшмаси ажратилган лимитга мувофиқ марказга автотранспорт хизмати кўрсатсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитаси 1996 йилдан бошлаб Халқаро ислом тадқиқот марказининг илмий изланишлар, мавзуларини танлов орқали маблағ билан таъминланувчи ишлар рўйхатига киритсин.

5. Алоқа вазирлиги белгиланган тартибда Халқаро ислом тадқиқот марказига зарур миқдорда шаҳар телефонлари, шу жумладан, ҳукумат АТСидан телефон ва бошқа алоқа воситалари ўрнатиб берсин.

6. Тошкент шаҳар ҳокимлиги (К. Тўлаганов):

Халқаро ислом тадқиқот маркази биноларини қуриш учун бир ой муддатда зарур ер майдони ажратсин.

7. Халқаро ислом тадқиқот маркази унинг янги бинолари маҳмуи ишга тушгунга қадар Моваро‌уннаҳр мусулмонлари идорасига қарашли Зарқайнар кўчасининг 18-берк кўча, 47-уйга жойлаштирилиши;

Моваро‌уннаҳр мусулмонлари идорасининг Халқаро ислом тадқиқот маркази бинолари лойиҳаларини тайёрлашга ва уларни қуришга сарфланадиган барча харажатларни ўз зиммасига олиши маълумот учун қабул қилинсин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари С. Саидқосимов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1995 йил 19 май.

ЎЗБЕКИСТОНГА РАСМИЙ ТАШРИФИ МУНОСАБАТИ БИЛАН

ПОКИСТОН ИСЛОМ РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ВАЗИРИ БЕНАЗИР БХУТТО

1953 йил 21 июнда Карочи шаҳрида туғилган. Покистонда бошланғич маълумот олганидан кейин Редклифф коллежига, кейинчалик эса, Оксфорд шаҳридаги (Буюк Британия) Леди Маргарет Холл коллежига ўқишга кирган.

1977 йилда Оксфорд университетининг халқаро ҳуқуқ ва дипломатия факультетини тугатган.

1977-1988 йилларда Покистон Халқ партиясининг (ПХП) етакчиси бўлган.

1988 йил ноябрида ўтказилган парламент сайловида Покистон Халқ партияси ғалаба қозониб, натижада Б. Бхутто бошчилигидаги ҳукумат тузилган.

1990 йил 6 августида Покистон Президенти Ғулом Исҳоқ Хон қарорига биноан Б. Бхутто ҳукумати тарқатиб юборилган.

1990-1993 йилларда Б. Бхутто Покистондаги мухолифат етакчиси бўлган.

Навоз Шариф ҳукумати истеъфога чиққанидан кейин, 1993 йил 19 октябрда Б. Бхутто Покистон Бош вазири сифатида иккинчи марта қасамёд қилган.

Б. Бхутто жаҳондаги бир қанча мамлакатларнинг олий мукофоти ва фахрли халқаро мукофотлар, шу жумладан инсон ҳуқуқлари бўйича Бруно Кристли номидаги (1988 йил) мукофот, Редклифф коллежи тақдирлаган Фи Бет Капп фахрий мукофоти (1989 йил) соҳиби, шунингдек, Марокаш, Франциянинг олий мукофотларига сазовор бўлган.

Б. Бхуттога 1994 йилда Синд университетининг (Покистон) ҳуқуқ фахрий доктори даражаси берилган, у Гарвард университетининг (АҚШ) фахрий доктори ҳамдир.

Б. Бхутто иккита — «Истиқболдаги ташқи сиёсат» (1978 йил) ва «Тақдир қизи» (1988 йил) китобларининг муаллифи.

Б. Бхутто турмуш қурган, уч фарзанди бор.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги матбуот шўъбаси.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ВА БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИ МЕҲНАТИГА ҲАҚ ТЎЛАШ ШАРТЛАРИГА ЎЗГАРТИРИШ КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

Қорақалпоғистон Республикасида аҳоли сонининг анча ўсиши, қишлоқ хўжалиги ва саноат ишлаб чиқариши ҳажмининг кўпайиши муносабати билан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қорақалпоғистон Республикаси давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш шартлари бўйича иккинчи гуруҳдан биринчи гуруҳга ўтказилсин.

2. Янги лавозим маошлари давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари учун меҳнатга ҳақ тўлашнинг белгиланган фонди доирасида 1995 йил 1 майдан бошлаб жорий қилинсин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 1995 йил 19 май.

Шошилинч хабар

ҚОЗОҒИСТОН ДЎСТЛАРНИ КУТИБ ОЛМОҚДА

АЛМАТИ, 19 май. ЎзА махсус мухбирлари Анна ИВАНОВА билан Аҳмад ХЎЖА хабар қилади:

Қозоғистон пойтахти жамоатчилиги ва меҳнат жамоаларининг намояндалари бу ерда ўтказиладиган республикамиз кунлари иштирокчилари — ўзбек диёридан махсус «Ўзбекистон» поездида келган маданият, фан арбоблари, тадбиркорлар, саноат корхоналарининг раҳбарлари, ёш истеъдод эгаларини гул, табассум ва самимий табрик сўзлари билан кутиб олдилар.

Вокзал олди майдонида тантанали митинг бўлди. Митингни Қозоғистон пойтахти маъмуриятининг бошлиги Шолбай Қулмаҳонов очди. У ўз нутқида ўзбек ва қозоқ халқларининг дўстлиги тарихи илдизлари узоқ ўтмишга бориб тақалишини, бу дўстлик миллий анъаналар ва маданият уйғунлигига асосланганлигини таъкидлади.

Қардош республика маданият вазири Талгат Мамашев ўз нутқида Қозоғистонда бошланаётган Ўзбекистон кунларини икки халқ бирлиги ва жипслигининг рамзи бўлган байрам, деб атади. Ўзбекистон маданият ишлари вазири Э. Ҳайитбоев делегациямиз номидан гапириб, самимият, зўр қувонч билан кутиб олганликлари учун мезбонларга миннатдорчилик билдирди.

Митингдан сўнг меҳмонларнинг бир қисми Қараганда, Тўргай, Толдиқўрғон вилоятларига жўнаб кетди. Ўзбекистон кунларининг бошқа иштирокчилари Қозоғистон пойтахти ва Алмати вилоятида бўладилар. Бундан ташқари, Ўзбекистон вакиллари Тошкентдан тўғри Жамбул, Қизил Урда ва Чимкентга ҳам келишади.

20 май куни Қозоғистонда Ўзбекистон кунларининг расмий очилиши маросими бўлади. Унда иккала республика Президентлари иштирок этади.

(ЎзА).

ФАОЛИЯТИМИЗ БОЗОР ТАЛАБЛАРИГА МОС БЎЛСИН

Илгари хабар қилинганидек, 16 май куни Тошкентда республика Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси бўлди. Уни Президент Ислом Каримов бошқарди. Мажлисда вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари, вазирликлар, идоралар, давлат қўмиталари, уюшмалар, бирлашмалар, банклар ва йирик корхоналар раҳбарлари иштирок этди.

Мажлисда республикамизда иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш бўйича 1995 йилнинг биринчи чораги дастурининг бажарилиши ва биринчи ярим йилликни муваффақиятли якунлаш борасидаги вазифалар муҳокама қилинди.

Мажлисда қайд этилдики, жорий йилнинг биринчи чорагида иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга, иқтисодий ва молиявий барқарорликка эришишга доир чора-тадбирлар аниқ мақсадни кўзлаб амалга оширилди. Шунинг натижаси ўлароқ, инфляция даражаси изчил пасайиб борди. Пул эмиссияси 1994 йилнинг худди шу давридагига нисбатан 27 пунктга қисқарди.

Давлат бюджети дефицити белгиланган доирадан паст даражада тутиб турилибди. Республика иқтисодиётида ижобий таркибий силжишлар амалга оширилмоқда, ялпи ички маҳсулотда давлатга қарашли бўлмаган тармоқ улуши сезиларли ўсмоқда.

Йилнинг дастлабки уч ойида истеъмол бозорини тўлдириш, аҳолини сув ва газ билан таъминлаш бўйича муайян ишлар қилинди, ўртача иш ҳақи, пенсия, стипендия ва нафақаларни оширишга доир чора-тадбирлар кўрилди, аҳолининг эҳтиёжманд қисмини ижтимоий ҳимоя қилиш тизими мустаҳкамланди.

Шу билан бирга, айрим муайян йўналишларда иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда ва иқтисодиётнинг давлатга қарашли бўлмаган тармоқларини шакллантиришда жиддий камчилик ва нуқсонлар мавжуд.

Корхона ва ташкилотларда фойданинг ўсишига асосан сотилаётган маҳсулот нархини ошириш ҳисобига эришилмоқда. Зарар кўриб ишлаётган корхоналар сони камаймаяпти. Жорий йилнинг биринчи чораги мобайнида 695 корхона ва ташкилот 457,5 миллион сўмлик зарарга йўл қўйди.

Жиззах, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятларида хусусийлаштириш жараёнида расмиятчилик давом этмоқда. Хусусийлаштиришдан кейин қўллаб-қувватлаш механизми ишлаб чиқилмаган, хусусийлаштирилган корхона ва фермаларнинг акционерлари учун эгалик қилиш шарт-шароитлари яратилмаяпти.

Мажлисда Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Йилнинг биринчи чораги натижаларига баҳо берар эканмиз, ишлаб чиқаришда ривож ҳам, камчилик ва нуқсонлар ҳам борлигини кўрамиз, деди Президент. Шу билан бирга, янги пайдо бўлган масалалар ҳам бор. Буларнинг ҳаммаси табиий, албатта. Олдимизда тўсиқ-ғов бўлиб турган ана шу муаммоларни ечиш, иқтисодий, молиявий, тармоқлараро барқарорлик ва мувозанатга эришиш иқтисодий ислоҳотларнинг иккинчи босқичи бошланган бугунги кундаги энг долзарб вазифадир. Шу маънода, бугунги муҳокаманинг асосий моҳияти — олдимизда турган стратегик мақсад ва устивор йўналишларга асосланиб, биринчи ярим йилликнинг энг муҳим вазифаларини тўғри белгилаш ва уларни ҳал этиш тамойил-йўлларини аниқлашдир.

Иқтисоднинг ривожланиб бораётганини, унинг йўналишларини баҳолаш, таҳлил қилиш учун унга қандай кўрсаткичлар, қандай усул ва услублар орқали баҳо беришимиз керак? Биз бозор иқтисодиёти томон кетаётган эканмиз, ўша баҳо берадиган восита — кўрсаткичлар ҳам бозор шароитига мос бўлиши керак, яъни эски услуб ва мезонлар билан бугунги ривожланиш даражасини баҳолаш мутлақо мумкин эмас. Бу борадаги олдинги қон-қонимизга сингиб кетган усул ва услубларни эслайлик. Улар ҳаммангизга яхши маълум. Асосий, мақтовга муносиб кўрсаткич — бу ишлаб чиқариш ўсиш суръатлари бўлиб, унга қандай йўл билан эришилади, қандай маҳсулот, унинг сифати, истеъмолчиларга керакми, йўқми — бундан қатъи назар, ишлаб чиқаришда ўсиш суръатларини таъминлаб бердингизми, бўлди — олам гулистон эди. Саноат, қурилиш, савдо, хизмат кўрсатиш — хуллас, барча соҳаларда шундай ёндошиш одат эди.

Бугун бундай ёндашув ва услублар тўғри келмайди. Шу ўринда бир мисол келтирайлик. Ўздонмаҳсулот» давлат-акционерлик корпорацияси саноат ишлаб чиқариш ҳажмини ўтган йилга нисбатан 52,5 фоиз камайтириб юборганлигини олиб кўрайлик. Буни қандай натижа деб тушуниш керак — салбийми ёки ижобийми?

Эскича йўл тутиладиган бўлса, биз корпорация раҳбарларини жавобгарликка чақиришимиз керак бўлур эди. Бугунги кун нуқтаи назаридан қаралганда эса, бу ҳол аҳолининг истеъмол таркибини такомиллаштиришдан, бевосита нонни тежашдан, унинг бошқа мақсадларда фойдаланилиши кескин қисқартирилишидан далолат беради. Масалан, бизда 1991 йили жон бошига 170 килограмм нон истеъмол қилинган бўлса, ҳозир бу кўрсаткич 118 килограммга тушди. Бу халқимиз дастурхонида нондан ташқари гўшт, сут, тухум каби озиқ-овқат маҳсулотлари тури ва миқдори кўпайиши натижасидир.

Бундан ташқари, ҳозирдаёқ ўзининг паст сифатлари ва нархининг юқорилиги туфайли харидоргир бўлмаган, бозори касодга учраётган маҳсулотларни ишлаб чиқаришни янада кўпайтираверишнинг мақсадга мувофиқ эмаслиги тўғрисида чуқур ўйлаб кўриш керак.

Мисол учун кранларни олиб кўрайлик. Тўрт ой ичида уларни ишлаб чиқариш ўтган йилга нисбатан 20 фоизни ташкил қилибди, ёки пардозловчи керамик кошинлар 46,8 процент, линолеум 34,5 процент, пойабзал 26,1 процент, электр дазмоллар 21,6 ва бошқа жуда кўп ишлаб чиқариш ҳамда истеъмол моллари шулар жумласидандир. Хўш, бу яхшими, ёмонми? Бундай камайиш ҳисобига талабга мос маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, буни ижобий ўзгариш деб билиш керак.

Ҳозир чет элдан келтирилган юқори сифатли ва бирмунча арзонроқ ғоят хилма-хил халқ истеъмол моллари савдода пайдо бўлиб қолди. Маҳсулот ишлаб чиқарувчиларимизнинг кўпчилиги, ҳатто ички бозорда ҳам рақобатга ноқобил бўлиб қолганликлари тасодифий эмас.

«Ўзбекенгилсаноат» уюшмасида 1 апрелга қадар маҳсулотнинг меъёридан ортиқча заҳиралари 683 миллион сўмликни ташкил қилди ёки 1-чоракда ишлаб чиқарилган жами саноат маҳсулотининг 14 фоизидан ошиб кетди, «Маҳаллий саноат» корпорацияси бўйича 327 миллион сўмлик бўлди ва уч ойнинг ўзидагина 105 миллион сўмлик ошди.

Ушбу тармоқларнинг кўп корхоналари хусусийлаштирилиб бўлинган. Шу сабабли энди миқдорий ҳажм кўрсаткичлари эмас, балки улар аҳволининг молиявий натижалари шу корхоналар фаолиятининг мезони бўлиб қолмоғи лозим.

Иқтисодий ислоҳотларнинг боришига, айниқса, мулкни хусусийлаштириш ва иқтисодиётнинг нодавлат тармоқларини ривожлантиришга баҳо беришда ҳам мутлақо бошқача мезонлар қўлланилиши керак. Биз режа — план тушунчасидан аллақачон халос бўлганмиз. Эндиликда ҳукумат ҳеч кимга план топшириқларини ёки шунга ўхшаш миқдорий чегараларни белгилаб қўяётгани йўқ.

Шу билан бирга биз амалда одамни ҳайратга соладиган ҳолга дуч келаяпмиз — фалонча объектни хусусийлаштириш, фалонча кичик ва хусусий корхонани барпо этиш режалаштирилган, амалда эса кўп карра ортиғи билан бажарилган эмиш.

Нодавлат тармоғининг қарор топиши, иқтисодиётнинг кўп тармоқлилиги мулкчиликнинг нодавлат шаклидаги қанча корхона ва объект расман мавжудлиги билан эмас, балки улар қанчалик муваффақиятли ишлаш, иқтисодиётни ривожлантиришга қандай ҳисса қўшиши, давлат корхоналарига нисбатан самарадорлиги қандайлиги, ана шу корхоналар мулк эгасининг ўзига ва уларда ишлаётган ходимларга ҳақиқатда нима бериши билан белгиланади.

Биз бугун жуда катта харажатлар қилиб маҳсулот ишлаб чиқаряпмиз. У керакми, керак бўлса қанча миқдорда керак, унинг сифати қандай бўлиши даркор, харидори борми, йўқми — ана шу талабларни ўрганмай туриб маҳсулот ишлаб чиқаришимиз кўр-кўрона иш тутиш билан баробардир.

Бугунги фаолиятимизга, ишимизга шу нуқтаи назардан баҳо берадиган бўлсак, бундай талабларга жавоб бермайдиган ҳолни кўриш мумкин. Ҳолбуки, корхоналар, концернлар, ассоциациялар, тармоқлар, қаланверса, бутун регионларнинг истиқболли ривожланиши маркетинг — талабни ўрганишга боғлиқ. Лекин, очиғини айтганда, республикада бу борада етарли даражада иш олиб борилмаяпти.

Табиий савол туғилади: бугун республиканинг қайси ассоциацияси, концерни, бирлашмаси келажакни олдиндан кўра билиб, талабни, харид имкониятларини чуқур ўрганиб маҳсулот ишлаб чиқаряпти? Афсуски, бу саволга ижобий жавоб йўқ.

Ўзбекистонни иқтисодий ривожлантириш стратегияси ҳақида гап борганда, бу стратегия биринчи навбатда давлатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, халқнинг турмуш шароитини яхшилаш манфаатларидан келиб чиқиши керак, дея таъкидлади Ислом Каримов. Шу жиҳатдан, иқтисодий стратегик мақсадларга эришишнинг асоси, аввало, тармоқ ва регионларнинг муҳим ишлаб чиқаришлар бўйича ривожланиши билан боғлиқдир.

Шуни алоҳида қайд этишни истардимки, йилнинг биринчи чораги якунлари замирида ғоят чуқур мазмун бор. Олий Мажлиснинг биринчи сессиясида таъкидланганидек, демократик қайта ўзгартиришлар ва иқтисодий ислоҳотларнинг биринчи босқичи туғалланди ва биз ўз тараққиётимизнинг, янгиланиш ва ривожланиш йўлидаги ҳаракатимизнинг сифат жиҳатидан янги босқичига дадил қадам қўйдик. Бошқача айтганда, моҳияти жиҳатидан янги марраларни белгилаб олдик.

Олдимизга республикамиз учун, Ўзбекистон халқи учун янада мураккаброқ ва истиқболимизни ҳал қилувчи мақсад ва вазифаларни қўйдик. Уларни муваффақиятли ҳал этиш Ўзбекистоннинг чинакам сиёсий ва иқтисодий мустақиллигига эришишга, республикани XXI аср бошидаёқ иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатлар қаторига чиқаришга қаратилгандир.

Бунинг учун бизда барча зарур шарт-шароитлар мавжуд. Ўтган йилларда яхши замин яратилди. Эндиликда биз олға томон дадил одимлашимиз зарур. Мулкчиликка нисбатан муносабатни ўзгартириш, янги бозор муносабатларини шакллантириш борасидаги, шунингдек, иқтисодий салоҳиятни мустаҳкамлаш, иқтисодиётни барқарор ва изчил ривожлантириш борасидаги кечиктириб бўлмайдиган муаммоларни ҳал этишга астойдил киришишимиз керак.

Ташаббускорлик ва тадбиркорликни кўпроқ намоён қилиш зарур. Масъулиятдан қўрқмаслик керак. Бошқарувнинг барча босқичларида зарур қарорларни мустақил равишда, тезкорлик билан қабул қилиш лозим. Кўпроқ иқтисодий эркинлик, кўпроқ мустақиллик, кўпроқ тадбиркорлик — мана шулар барча ишларимизнинг асоси бўлиши зарур.

Лекин бу борадаги биринчи ва асосий камчилик иқтисодий ислоҳотларнинг етарли даражада амалга оширилмаётгани, энг муҳими, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, хусусий мулкчиликка, тадбиркорликка кенг йўл очиб беришда сусткашлик, лоқайдлик, оқсоқликка йўл қўйилаётгани аён бўлади.

Барча бўғиндаги раҳбарлар, айниқса, корхона раҳбарлари, бу масалага жиддий қарашлари лозим. Бу соҳадаги ечилмаган муаммоларнинг асосий қисми ҳокимликлар, тижорат банклари ва бир неча вазирликлар ва уларнинг ўрта бўғинларида чигаллашмоқда.

Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнининг Олий Мажлиснинг биринчи сессиясида айтилган муҳим жиҳатига яна бир бор эътиборингизни жалб қилмоқчиман. Хусусийлаштириш, мулкдорлар сонини иложи борича кўпайтириш — мамлакатимизнинг, давлатимизнинг иқтисодий мустақиллигини таъминлаш, ҳар бир фуқаро даромадини, ҳаёт даражасини ошириш билан боғлиқ жуда муҳим омилдир. Қаланверса, мулк ҳақиқий эгасини топсагина, турли талон-тарожларга, пулини олмай туриб маҳсулот жўнатиш каби салбий ҳолларга чек қўйилади.

Қимматли қоғозлар бозорини шакллантириш ҳам етарли даражада эмас. Молия вазирлиги, Давлат мулк қўмитаси — бу иш мутасаддилари ўз фаолиятларини жадаллаштиришлари лозим.

Ўзингиз ўйланг, республикада ташкил этилган 3 мингдан зиёд акционерлик жамиятидан фақат 15 фоизи акция чиқарган бўлса, йилнинг биринчи чорагида Қорақалпоғистон Республикасида акционерлик жамиятининг бирорта ҳам акцияси сотилмаган бўлса, Хоразм, Жиззах, Навоий, Сирдарё ва Фарғона вилоятларида атиги биттаиккита акционерлик жамиятининг акцияси сотилган бўлса, унда, қандай қимматли қоғозлар бозори тўғрисида сўз юритиш мумкин?!

Аҳолининг ерга бўлган доимий қизиқишига қарамай, ҳокимликлар ер бозорини ривожлантиришга етарли эътибор бермаяпти. Бу умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи билан сотиладиган ер майдонларига ҳам, ер майдонлари билан биргаликда сотиладиган савдо ҳамда хизмат кўрсатиш объектларига ҳам тегишлидир.

Масалан, жорий йилнинг биринчи чорагида мамлакат бўйича ҳаммаси бўлиб 684 ер майдони, шу жумладан, савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари жойлашган 152 ер майдони сотилган. Хоразм, Самарқанд, Тошкент вилоятларида ва Тошкент шаҳрида бундай майдонлар ҳаммаси бўлиб битта ёки иккитани, Жиззах ва Сирдарё вилоятларида эса атиги биттани ташкил этади.

«Ўзулгиржисавдо» деган ташкилотимиз бор. У ўзининг биринчи галдаги вазифаси — тадбиркорлар ўз маҳсулотларини сотишлари, зарур материалларни харид қилишлари мумкин бўлган ярмаркаларни ташкил этишга ва ўтказишга етарли эътибор бермаяпти.

Шу йилнинг биринчи чорагида Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Сирдарё ва Хоразм вилоятларида бирорта ҳам ярмарка ўтказилгани йўқ. Буни қандай баҳолаш керак?

Жойларда майда улгуржи савдо дўконлари расмият учунгина ташкил қилинганини, улар товар, маҳсулот ишлаб чиқарувчилардан анча узоқда жойлашганини, тегишли техника, асбоб-ускуналар билан жиҳозланмаганини кўриш мумкин.

Бугун иқтисод, ишлаб чиқаришга энг катта тўсиқ бўлиб турган яна бир масала ишлаб чиқарувчи ва истеъмол қилувчи корхоналар ўртасидаги ҳисоб-китобларнинг вақтида амалга ошмаётганидир, деди Президент. Шундай раҳбарлар борки, ўз истеъмолчиларининг молиявий аҳволини суриштирмай, уларга ишлаб чиқарилган маҳсулотларини етказиб туришибди. Ваҳолонки, мижозларининг «чўнтагида» бир тийин ҳам йўқ. Оқибатда бундай корхона раҳбарлари истеъмолчиларидан тегишли пулни ундира олмай, меҳнат ҳақини тўлашимиз керак, деб ҳукуматга пул сўраб мурожаат қилади.

Шунинг учун ҳам «Халқ хўжалигида ҳисоб-китоблар ўз вақтида ўтказилиши учун корхона

(Давоми 2-бетда).

ФАОЛИЯТИМИЗ БОЗОР ТАЛАБЛАРИГА МОС БЎЛСИН

(Давоми. Боши 1-бетда).

ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида» Президент Фармони чиқди. Унда истеъмолчиларнинг молиявий аҳволини инобатга олмай, пухта ҳисоб-китоб қилмай туриб, уларга маҳсулот етказишни давом эттираётган корхона раҳбарларига нисбатан қаттиқ жавобгарлик чораларини қўллаш кўзда тутилган. Бу борада республика Прокуратураси, Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банк, тижорат банклари ҳамда корхона раҳбарлари тегишли хулосаларни чиқаришлари керак.

Шу билан бирга, баъзи бир тижорат банкларидаги қўли эгри кимсалар ўз ҳамёнларини ўйлаб, корхоналарнинг маблағларини бошқа мақсадларга ишлатиб юрибди. Оқибатда бу корхоналар «айбсиз айбдор» бўлиб қолмоқда. Бундай ҳолатлар билан ҳам шафқатсиз курашмоғимиз лозим. Марказий банк бу масалага юзаки қараб келяпти. Бу масалада назоратни кучайтириш зарур. Керак бўлса, бундай тижорат банкларини ва уларнинг бўлимларини ёпиш, раҳбарларини эса жавобгарликка тортиш лозим.

Яна бир муҳим масала шундан иборатки, нақд пул ва кредитлар қўшимча эмиссиясига кескин чек қўйиш керак. Ҳозир Марказий банк бу масалада қатъий йўл тутмоқда. Биз буни қўллаб-қувватлаймиз.

Ҳар бир вилоят, шаҳар ва туман раҳбарлари ўз ишларини шундай ташкил қилишлари керакки, токи нақд пул ҳисобида берилаётган иш ҳақи, нафақа ва бошқа даромадлар аҳолининг харид қилиш қувватини ошириш, хилма-хил хизмат кўрсатиш ташкилотларини кўпайтириш орқали банкларга қайтиб келиши лозим. Бунинг учун эса вилоят, шаҳар ва туманларда катта ишларни амалга ошириш керак. Аввало, аҳоли олаётган даромадларнинг ички бозор товар ресурслари билан мувозанатини таъминлаш, қўшимча мол-мулк келишига кенг йўл очиш керак. Хуллас, юқоридан қўшимча пул ёки товар беришади, деган кайфиятдан воз кечиш лозим.

Пул қадрсизланмаслиги учун бир қоида доимо эсимизда бўлиши керак. Яъни ҳар қандай маош, нафақа кўпайишидан олдин, бозоримиздаги мол ҳам шу даражада, балким ундан ҳам тезроқ кўпайиши шарт. Бу қоидага ҳаммамиз риоя қилишимиз зарур. Бу — умумиқтисодиёт қонуни. Мутахассислар ҳисоб-китобига қараганда, агар қўшимча маҳсулот бозорига етказилмасдан нақд пул миқдори 1 фоизга кўпайса — нархлар миқдори 1,2 — 1,4 фоизгача ошиб кетади.

Агар бу йўлни танласак, Ўзбекистонда нафақат инфляцияга, яъни нарх ошишига, балки, гиперинфляцияга, бошқача тил билан айтганда, оқибатда ҳеч қандай жиловланмайдиган офатга, нарх ошиб кетишига олиб келади. Бу эса, гирдобга ўхшаган даҳшатли нарса — тушгандан кейин чиқиб кетишнинг иложи йўқ, десак ҳам бўлади. Унинг оқибати, яна такрорлайман, табиий офатга тенгдир.

Ички бозоримизни маҳсулотлар билан тўлдириш ва экспорт имкониятларимизни кўпайтириш — устивор йўналишлардан биридир. Лекин, кимки фан-техника ютуқларини қўлламай, ортиқча харажатларни камайтирмай, фақат маҳсулотлари нархини ошириш йўли билан яхши натижага эришаман деса — жуда катта хато қилган бўлади.

Ҳозирнинг ўзидаёқ айрим саноат маҳсулотларининг нархи дунё бозори нархидан ошиб кетди. Шу сабабли, бу маҳсулотлар на ички бозорда, на ташқи бозорда сотилмай қолиб кетяпти. Демак, бозор муносабати қонунлари амалда ўз таъсирини кўрсата бошлади. Бу гап, авваламбор, енгил ва маҳаллий саноат корхоналари раҳбарларига тегишли. Эртага бундай ҳолат, бундай вазият бошқа корхона ва тармоқларга ҳам етиб боришини кутишимиз мумкин.

Ишлаб чиқариш учун кетаётган харажатлар, шу жумладан, хом ашё ва ёқилғи нархи кўпайиб кетди, дейميز. Тўғри. Лекин бир мисол келтирмоқчиман. Масалан, муайян маҳсулотни ишлаб чиқаришга АҚШ саноатида кетган харажатларни солиштирсак, ёқилғи ва электр энергияси Россияда 3 баробар, Ўзбекистонда эса 3,5 баробар кўп сарф қилинишини кўрамиз. Бунга изоҳнинг ҳожати бўлмаса керак.

Бу борада ҳамма корхона ва идора раҳбарларини огоҳлантирмоқчиман. Ҳаммага маълумки, биз ёқилғи-энергия манбалари нархини уч йилдан бери жиловлаб келяпмиз. Бунга бюджетдан катта маблағ сарф бўляпти. Лекин корхона раҳбарлари билиб қўйиши керак, бунинг ҳам чеки бор. Эртага ёқилғи энергия манбаларининг нархи эркинлашса, кейин нимани баҳона қиласиз?

Ортиқча харажатларни ва шунинг ҳисобига ишлаб чиқариш таннархини камайтириш борасида чора-тадбирлар кўриш ўрнига, айрим раҳбарлар ҳанузгача солиқдан озод қилиш ҳақидаги илтимослар билан тинимсиз мурожаат қилиб юришибди. Айтиб қўйишимиз керак: бу — бефойда ҳаракатдир.

Албатта, харажатларни кескин камайтириш, тежамкорлик асосида маҳсулот сифати ва сонини яхшилаш учун корхоналарни янги техника ва технологиялар билан жиҳозлаш керак. Бунга маблағ топиш керак. Лекин, энг муҳими, хўжалик ва корхона раҳбарлари бу муаммо устида эртага эмас, бугун бош қотиришлари лозим.

Барчамизга маълумки, бугунги кунда Ўзбекистоннинг ислоҳотлар соҳасида олиб бораётган сиёсатини дунёнинг нуфузли молия ташкилотлари, жумладан, халқаро валюта фонди кенг қўллаб-қувватламоқда. Бундай имкониятлардан оқилона фойдаланмасак, катта хато қилган бўламиз.

Бу ерда гап фақат ишлаб чиқариш эмас, балки ҳамма соҳалар хусусида боряпти. Бизда, мисол учун халқаро туризмни ривожлантириш учун беқиёс имкониятлар бор. Халқаро ташкилотлар бунга жуда катта қизиқиш билдирмоқда. Фақат бизнинг бу имкониятларни тўла ишлатишимиз керак, акс ҳолда, имкониятлар самарасиз қолаверади.

Шунинг учун барча бўғин раҳбарлари олдида катта масала турибди. Ватанимизнинг, халқимизнинг манфаатини кўзлаб, чет эллик шериклар билан оқилона ва тенг иш олиб бориш керак. Бу масалада ҳали кўп нарсаларни ўрганишимиз лозим. Яна таъкидлайман, қайси ташкилот, корхона хорижий шериклар билан алоқа тузмаса, ишни самарали ташкил қилмаса, бундай корхонанинг келажаги йўқ.

Ўзбекистон иқтисодининг асосий омили ва манбаи — қишлоқ хўжалигимизнинг ривожи ва самарасидир, деди Ислом Каримов. 1995 йил халқимизнинг бахтига яхши келмоқда.

Бугунги кунда энг муҳим, энг долзарб масала — бошоқли дон ҳосилини нобуд қилмасдан йиғиштириб олиш, Ўзбекистонимизнинг дон-нон таъминотида мустақилликка эришишдир. Шундай уюшқоқлик билан меҳнат қилсак, мен бугун шу нарсани комил ишонч ва мамнунлик билан айта оламанки, насиб этса, 1996 йилда мамлакатимиз ғалла бўйича ўзини тўлиқ таъминлай олади. Бу нима дегани? Бу — ана шу маҳсулотларни сотиб олиш учун сарфланаётган пахта, олтин эвазига келаётган маблағларни янги технология, жиҳозлар сотиб олишга, бошқа устивор мақсадларга сарфлаш мумкин бўлади, деганидир. Ҳозир четдан келтирилаётган бир тонна ғалла, йўл харажатлари билан қўшиб ҳисоблаганда, 190 долларга тушмоқда. Бу йил бир миллион 400 минг тоннадан зиёдроқ бошоқли дон етиштиришимиз керак. Бу мақсадимизга эришсак, ўзимизнинг арзон ва беминнат нонимиз бўлади. Мамлакатда чорва ривожи учун қулай имконият туғилади, ўз навбатида сут ва гўшт ҳам кўпаяди. Шу маънода, 1995 йилнинг биринчи ярмини мувафақиятли якунлаш муҳим аҳамиятга эга. Чунки ана шу ярим йиллик, унинг ижобий натижалари келгуси 2-3 йил учун мустаҳкам замин бўлиб хизмат қилади.

Барча режаларимизни тўла амалга оширсак, омадимизни берса, 1996 йилда нефть маҳсулотларини четдан олиб келишга ҳам чек қўямиз. Негаки, нефть ва нефть маҳсулотлари ишлаб чиқариш 3,5 баробар кўпайганини эслаб ўтсак ва бундан фахрланса арзийди. Демак, бу — аниқ режа, бугунги иш суръати шу нарсани яққол исботлаб турибди.

1996 йилда яна икки кўрсаткич — сут ва гўшт маҳсулотларини давлат йўли билан ва давлат маблағи ҳисобига олиб келишга зарурат бўлмайди. Бу ҳам — иқтисодий мустақилликнинг яна бир белгиси.

Умид қиламанки, бундай ютуқлар кўпайиб бораверади ва биз албатта ўз муродимизга — халқимиз учун муносиб турмуш яратишга эришамиз, деди Президент пировардида. Бу йўлда биздан талаб этиладиган нарса — сидқидилдан, яхши ният билан, ҳалол меҳнат қилишдир.

Мажлисда республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Бош вазир ўринбосарлари Ю. Пайгин, В. Чжен, Марказий банк бошқаруви раиси Ф. Муллажонов, Қорақалпоғистон Вазирлар Кенгаши Раиси Б. Жуманиёзов муҳокама этилган масалалар юзасидан ахборот бердилар.

Вазирлар Маҳкамаси мажлиси муҳокама этилган масалалар юзасидан қарор қабул қилди.

Мажлисда республика Олий Мажлиси Раиси Э. Халилов, Бош вазир А. Муталов қатнашди.

Аҳмад ХЎЖА.
(ЎзА).

МИЛЛИЙ ИФТИХОР

У юксак маънавият негизи, баркамоллик рамзи, мамлакат ривожининг асоси

Инсоният яралибдики, эзгуликка интилиб, яхшиликка ёндошиб яшайди. Порлоқ келажак сари янгидан-янги орзу-умидлар уммонида умр кечиради. Ҳаёт ташвишлари, турмуш оғирликлари, турли- туман кутилмаган яхши-ёмон ҳодисалар ҳеч қачон уни бу йўлдан қайтара олмайди. Чунки инсон қалби ҳамиша эзгуликка, яхшиликка, жамики хушбахтлик ва муҳаббатга йўғрилган бўлади. Ана шу туйғуларнинг узи ҳамма вақт инсонни табиатнинг буюк неъмати, мавжудотнинг гултожи даражасига кўтариб қўяди.

Жамики эзгуликлар инсон онги ва тафаккурида Миллат, Ватан тушунчалари билан йўғрилиб, яхлит бир қадриятга айланади. Ана шунинг натижасида ҳар бир киши она юрт, ота миллат равнақи, унинг истиқболи, беқиёс муъжизавий ривожи йўлида елиб-югуради.

Дарҳақиқат, Ватан билан фахрланиш, кindик қони тўкилган муқаддас замин билан ғурурланиш барча энг муътабар инсоний фазилатларнинг чўққиси, айни пайтда ноёб ва муқаддас муъжизасидир. Шунинг учун ҳам шоиру ҳофизларимиз Ватан ҳақида жўшиб куйлашади, ёниб сатрлар битишади. Жажжигина чақалоқ қалбига она сути билан бирга жо бўлган Ватан ва Миллат туйғуси инсон онги ва тафаккури таъсирида минг бир жилоланади ва илоҳий мазмун касб этади. Зеро, Муҳаммад пайғамбар алайҳиссалом ҳам «Ватанни севмак иймондандур» деб бежиз айтмаганлар. Бу кичкинагина тушада дунёга келган инсоннинг жон-жонига, қон-қонига сингиб кетган пастаккина остонадан тупроқ деб аталган бутун ер шарини қамраб олган ва осмон қадар юксак бўлган, бутун инсоният орзу-умидларини узида мужассам этган илоҳий куч, муъжизавий қудрат. Ана шу муқаддас туйғулар билан яшаган одамгина яшаш қадрини билади, ҳаёт мазмунини бошқалардан кўпроқ англайди. Ўзидан узгаларга ўрнак бўларли ва абадий қолгувчи мерос қолдиради.

Миллий ғурур тушунчасини ҳар ким узича тушунади. Кимдир уни миллатчилик ва шовинистик қарашларнинг асоси деб билади. Яна кимдир узининг жангарилик иллатларини кўрсатиш учун имконият деб тушунади. Ўзига ортиқча эрк бериб, «миллат жонкуяри» сифатида сафсаталар тўқийди. Шахсий манфаати ва нафс хуружини қондириш йўлида бу муқаддас тушунчадан маккорона фойдаланади. Аслида эса миллий ғурур соф инсоний фазилат, энг покиза, энг беғубор, шабнам янглиг беғубор туйғу. У инсоннинг минг бир хўжайрасига сингиб кетган муътабар ҳиссиёт. Миллий ғурури кучли бўлган киши узининг миллий қадриятларини асраб-авайлайдиган, яъни Ватан, Халқ, Тупроқ, Миллат ва миллатлараро муносабатларнинг ноёб қадрият эканлигини бутун вужуди билан англайдиган ва уни қадрлай биладиган кишидир. Аҳолиси ана шундай буюк мақсадлар ва покиза орзу-умидлар билан яшайдиган мамлакатгина файзли ва баракали бўлади. Унинг тараққиёти тезлашади. Бундай улкан хонадонда тинчлик-осойишталик барқарор бўлиши табиий.

Айни пайтда — мамлакатимизда туб ислоҳот авж олган, жамиятни бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга айлантиришдек ғоят мураккаб инқилобий узгаришлар юз бераётган бир вақтда миллий ғурур, миллий ифтихор тушунчалари яна ҳам қадрлидир. Ўз тақдирини мамлакати ва халқи тақдири билан боғлаган кишигина мустақилликни ҳаммадан кўра кўпроқ ҳимоя қилади. Мустақил мамлакат равнақига кўпроқ ҳисса қўшади. Ана шундай тарихий ўзгариш юз бераётган бир пайтда шунча йил қаттиққўллик ва тазйиқ остида яшаганимиз етар, энди бизга ҳуррият керак деб аюханнос соладиганлар ҳам топилмоқда. Бундайлар айниқса ҳуқуқий демократик давлатни барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёни эндигина бошланган бир пайтда яна ҳам кўпроқ жазавага тушишмоқда.

Утиш даврида, туб ислоҳотлар жараёнида юз бераётган табиий қийинчиликлардан устамонлик билан фойдаланиш, ўз шахсий муддаоларини амалга оширишга интилиш қуйига тушганлар оз эмас. Улар ана шундай пайтда демократия, сўз эркинлиги, фикрлар хилма-хиллиги каби ибораларни керагидан ортиқча, аниқроғи, фақат ўз мақсадларига етишиш учунгина ишлатишади. Узларини миллат жонкуяри, фидойиси ва қаҳрамони қилиб кўрсатишади. Келинг, масалани қўндаланг қуяйлик, демократия нима?

Демократия лотинча сўз бўлиб, халқ ҳокимияти маъносини англатади. Демократик шароитда кўпчиликнинг иродаси озчилик учун мажбурий бўлиши керак. Кўпчилик танлаган йўл ва қўллаб-қувватлаган ғоя озчилик учун амал қилиш лозим бўлган яккаю-ягона имкониятдир. Ана шундагина халқ ҳокимияти вужудга келади, у тобора чуқурлашади. Чунки, бундай ҳолатда бутун жамият тараққиётини аҳолининг асосий кўпчилиги узи танлаган йўл асосида таъминлайди. Табиийки, куч ҳамма вақт кўпчиликда бўлади. Агар ана шу куч адолатли, инсонпарвар ғояларга таянган, умуминсоний қадриятларни ҳимоя қилиш имкониятига эга бўлсагина жамиятда адолат тантана қилиб, мамлакат тараққиёти тобора тезлашиши шубҳасиз. Ана шунда халқ қалби инсоф ва диёнат зиёси билан нурланади, онги эзгулик тафаккуридан баҳра олади. Қалб ва онг таъсирида бўлгандагина киши ўз-ўзини тўғри бошқариш имконига эга бўлади. Ёмонлик, ёвузлик, ҳудбинлик асоратидан қутилади. Натижада ўзининг ҳам, мамлакатнинг ҳам тараққиёт йўлини тўғри белгилаб олади. Ана шундай пайтда озчилик кўпчиликка бўйсуниб, ягона умумий манфаат йўлида бирлашиб кетади. Бу энг демократик, энг замонавий давлатларнинг тажрибасида синаб кўрилган ва амалий жиҳатдан узини тўлатўкис оқлаган ҳодисадир.

Мамлакат аҳолисининг турли гуруҳларга бўлиниб кетиши, асоссиз фикрларга кўп ўрин берилиши сиёсий сафсатабозликка ва охир-оқибатда эса анархияга олиб келади. Буни алоҳида изоҳлаш ва тушунтириш шарт эмас. Чунки, уни бир қатор қўшни мамлакатларда юз берган ва юз бераётган ҳодисалар мисолида кўриб турибмиз.

Масаланинг бошқа томони ҳам бор. Энг демократик давлатларда ҳам баъзи бир шахсларнинг фаолиятини чеклаб қўйиш ҳоллари юз бермоқда. Чунки осон йўл билан ном чиқаришга, омма диққатини узига жалб этишга ишқивоз бир кишининг шахсий манфаати ёки уз ғоясини ҳар қандай йўллар билан амалга оширишга интилиши натижасида унга ишонувчилар ва эргашувчилар топилиши мумкин. Натижада енгил-елпи фикрлар оқасидан қувиб, асосий мақсаддан чекиниб ва умумий манфаатлар йўлида бирлашган халқни чалғитиш каби салбий ҳолатларга имконият яратилади. Шунинг учун ҳам энг ривожланган, энг демократик давлатларда ҳам бу масалага жиддий қаралади ва қонун йўли билан таъқиқлаб қўйилади. Ҳар қандай шароитда ҳам озчиликнинг кўпчиликка бўйсуниши табиий ҳодиса сифатида тан олинади. Ҳар қандай фикр-мулоҳаза, ҳар қандай таклиф умумжамият ва умумхалқ манфаатига дахлдор бўлган тақдирдагина қадриятга айланиши шубҳасиз. Ана шунинг учун ҳам демократия — енгил-елпи яшаш имкони эмаслигини, аксинча юксак талабчанлик ва оғир масъулиятни ҳис қилиб, амалдаги қонунларга бўйсуниб яшаш салоҳияти эканлигини чуқур англамоғимиз лозим.

Миллий ифтихор ҳаммавақт ҳар қандай миллатга мансублик ва шахсий манфаатлардан устун турган фуқаролик ифтихори тушунчасига яқин бўлган туйғудир. Маълумки, фуқаролик — шахснинг қайсидир миллатга мансублиги эмас, балки муайян мамлакатга, у яшаб турган маконга боғлиқ тушунчадир. Фуқаролик — шахс билан давлат ўртасидаги муносабатдир. Яъни, турли миллатга мансуб бўлган бир мамлакат фуқаролари миллатидан қатъи назар ўз давлати мустақиллик рамзлари билан фахрланиши, унинг тарихи ва келажаги учун масъул бўлиши керак. Ана шу масъулиятнинг узи — миллий ёки фуқаролик ифтихоридир.

Бир қатор хорижий мамлакатларда миллат ва фуқаролик тушунчалари бошқача маъно касб этади. Жумладан, Олмония, Испания ва бошқа давлатларда миллат ибораси этник маънода эмас, балки сиёсий, яъни давлат бирлиги, инсоннинг давлатга алоқадорлиги маъносида англанади. Бунда муайян мамлакат фуқаролари манфаатларини ва иродасини яхлит ҳолда бирлаштирган «бирлашган миллат», «ягона миллат» ибораси вужудга келади.

Испания конституцион ҳуқуқига асосан испан миллати деб фақат испанлар тушунилмайди, балки мамлакатда яшаётган барча фуқароларга нисбат берилади.

Олмония Федератив Республикаси Асосий қонунининг (1949 йили қабул қилинган) 116-модда, 1-сўзбошисида мазкур масала юзасидан қуйидагилар баён этилган: «Ушбу асосий қонуннинг мазмунига кўра, немис бўлиб, агар қонунда бошқа тартиб ўрнатилмаган бўлса, **Олмон фуқаролигига эга бўлган ҳар бир шахс** ёки 1937 йил 31 декабргача Олмония империясида қочоқ ёхуд вақтинча жойини ўзгартирган, келиб чиқиши немис наслига мансуб бўлган шахслар, уларнинг турмуш ўртоқлари, авлодлари барчаси немис ҳисобланади» дейилган.

Албатта, миллатга, шахснинг насл-насабига бундай муносабат шахснинг миллий мансублигига, миллий урф-одатлар ва анъаналар равнақига ҳеч қачон монелик қилмайди. Фақат шахс ва жамият, фуқаро ва давлат ўртасидаги муносабатларни уйғунлаштириб, ягона миллий ифтихор, яшаб турган макон тақдирига дахлдорлик ҳисларини кучайтиради, холос.

Айниқса, ҳозирги каби ўтиш даврида шахсдаги фуқаролик ифтихорини кучайтириш катта аҳамиятга эга. Бунинг учун энг аввало, давлат миллати, элати, ижтимоий келиб чиқиши ва бошқа жиҳатларидан қатъи назар ҳамманинг қонун олдида тенглигини таъминлаши зарур. Ёки ҳуқуқшунослар тили билан айтганда фуқароларнинг тенг ҳуқуқларига эга бўлиш тамойилига қаттиқ риоя қилиниши керак. Ана шу талаблардан келиб чиқиб, Президентимиз Узбекистонда қонун устиворлигига эришиш, қонун олдида барчанинг тенглигини таъминлаш аосида ҳуқуқий демократик давлатни қуриш тамойилларини ишлаб чиқдилар ва уни изчиллик билан амалга оширмоқдалар.

Ҳуқуқий демократик давлатни тузишда асосий ўринни давлат эгаллаши керак. Чунки давлатнигина турли табақа ва турли тоифадаги аҳолининг умумий манфаатларини ўзида мужассам этади ва узининг бир мамлакат фуқароси сифатида умумий эҳтиёжларини қондириш имкониятига эга бўлади.

Албатта, турли туман сиёсий гуруҳлар, партиялар ва касаба уюшмалари ташкилотлари ҳам бу соҳада маълум имкониятларга эга. Бироқ, улар фақат ўз аъзолари манфаатларинигина ҳимоя қилиши мумкин, холос. Давлат эса юқорида айтганимиздек, аҳолининг энг кичигидан энг қарисигача, барча-барчасининг тулақонли ҳимоячиси бўлиши лозим. Ана шу хулосалардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, ҳозиргидек ўтиш даврида давлат аппарати қанчалик кучли, бошқарув тизими қанчалик шакллланган бўлса мамлакатда шунчалик ишлаб чиқариш мароми тўла таъминланган, тинчлик барқарор бўлган ва миллатлараро муносабатлар бир меъёрда чуқурлашиб бораётган вазиятни сақлаб туриш мумкин бўлади, ёки аксинча. Бошқарув жилови сусайган, давлат ўз бошқарувчилик вазифасини бушаштириб юборган ҳолатларда «жайдари» ва «чапани» демократлар бош кўтариб, хонаки «доҳий»лар қўпайиб, халқни чалғитишади. Натижада мамлакат ҳам, бутун аҳоли ҳам таназзулга юз тутади. Бу кечирилмас хатолиқдир.

Халқ ҳокимияти ва бошқарув тушунчалари қадим-қадимларда ҳам мавжуд бўлган. Яқин ўтмишимизда эса бу тушунчалар атайлаб, қўполлик билан бузиб қўрсатилган. Ҳозирги пайтдаги энг оғир касаллик бу боқимандалиқдир. Узоқ йиллар мобайнида биз бунга ўрганиб қолдик. Давлат ҳаммани боқиб, қорнини тўйғазиш ва кийинтириш мажбуриятини зиммасига олган эди. Аҳолига тулақонли фуқаро сифатида эмас, ишлаб чиқариш воситаси сифатида қараб келинарди. Шунинг учун ҳар бир ишчи ўз тақдирини ўзи яратиш хусусида мутлақо ўйламас, «бошимда давлат бор, келажагим порлоқ» деган баландпарвоз ва асоссиз фикрлар билан яшаб, кун кўрар эди. Айримлар «биз сени сайладик, энди сен бизни боқасан» қабилида иш тутишарди. Мустақил ҳуқуқий демократик давлатда эса бундай тамойилда иш кўриб бўлмайди. Чинакам қонунчиликка ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга таянган давлат ўз фуқаролари имкониятларини кенгайтиришга, уларнинг бутун куч-ғайратини, ақл-идрокини, яратувчилик фаолиятини кучайтиришга кенг имконият яратади. Турли қонунлар, фармонлар ва қарорлар қабул қилиш йўли билан фуқароларнинг имтиёзлари кенгайтирилади. Уларнинг яратувчилик ва бунёдкорлик фаолияти кафолатлаб берилади. Ана шундай давлаттина том маънодаги ҳуқуқий-демократик давлат дейилади.

Боқимандалик, ўзибўларчилик, қўндалик эҳтиёжларини қондиришни бошқалар ҳисобидан ёки давлатдан кутиш бундай муқаддас тамойилларнинг бузилишига олиб келади. Бунда адолат мезони унутилади. Чинакам ҳуқуқий имтиёзлар четга сурилади. Натижада босиб ўтган етмиш йиллик тарихимиздаги салбий ҳодиса — ҳаммани бирдай тенг қилиш каби социалистик тамойиллар чуқурлашиб бориши мумкин бўлади. Умуман олганда шахсий ғурури йўқ одамда яратувчилик қобилияти бўлмайди. У доим кимнингдир ҳисобидан яшайди ва бу билан уялмайди ҳам. Шахсий ғурури йўқ кишида эса миллий ғурур, Ватан билан фахрланиш ҳисси бўлмайди. Маълумки, халқимиз асрлар давомида узининг яратувчилик ва бунёдкорлик истеъдоди билан оламга машҳур. Минг йиллар мобайнида шаклланган бой маданият, кўз-кўз қилгувчи осори атиқалар, маънавий хазиналар яратдики, бу унинг бутун даҳолигидан далолат беради. Демак, унга боқимандалик бегона. У ҳамиша ўз юрти билан фахрланиб яшаган ва уни обод этиб юрган.

Улуғ пайғамбаримиз ҳадисларида ҳам парвардигор меҳнат қилган, яратган, ишлаган бандасини ардоқлагани хусусида ботбот гапирилади. Ҳозирги кундаги ўтиш даврининг қийинчиликлари яқин ўтмишимизнинг сарқитлари эканлигини тушунмоғимиз керак. Чунки биз ҳамон ўзимизнинг меҳнат қилиш қобилиятимизни, яратувчилик имкониятларимизни кўрсата олмаяпмиз. Онгимиз ва тафаккуримизнинг чекланганлиги натижасида янгича турмуш тарзининг моҳиятини унчалик ҳам чуқур англай олмаяпмиз ва демакки, янгидан-янги имкониятларнинг нақадар кенглигидан, мавжуд қонунларнинг бераётган имтиёзларидан ҳамда яшаш учун қулайлигидан фойдалана олмаяпмиз.

Фуқароларнинг сиёсий онги ва билимлари, тушунчалари ҳамда бошқа қобилиятлари ортиб боргани, ўз тақдирини чинакамига ўзи яратиш имкониятларини қидириб топгани сари давлатнинг бошқарувчилик фаолияти тобора сусайиб боради. Аҳолининг ўзи ўз-ўзини ва шу асосда бутун ишлаб чиқаришни, иқтисодий ривожланиш механизмини бошқаради. Натижада давлат фақат мудофаа, қонунчилик, ижтимоий муҳофаза, экология ва шунга ўхшаган масалалар билан шуғулланади, холос. Утиш даврининг энг катта руҳий-маънавий эҳтиёжи миллий ғурур туйғусидир. Ана шундай пайтда мамлакат фуқароларининг миллий ғурури баланд бўлса, ўз туғилган юрти билан фахрланиш, ягона Ватан — умумий хонадон осойишталиги ва равнақи учун дахлдорлик ҳисси кучли бўлса юз бераётган қийинчиликлар унчалик ҳам кўзга ташланмай қолади. Зеро, мустақилликнинг мазмун-моҳияти ҳам, истиқлолнинг сиёсий-маънавий қадрияти ҳам ана шундадир. Мустақил давлат мустамлакачиликдан фарқли ҳолда масалаларни ҳал этаётганда ўз фуқаролари эҳтиёжларидан келиб чиқиб ёндошади ва бундай ҳуқуққа қонуний йўл билан эга бўлади.

Собиқ иттифоқ даврида ҳар бир иттифоқдош давлат қоғозларда суверен бўлса-да, лекин ҳеч қандай масалани ҳал қилиш ҳуқуқига эга эмас эди. Иттифоқдош республикалар раҳбарияти Москвадан берилган топшириқни бажариш билан шуғулланишарди. Бу раҳбарият учун қулай. Чунки ўз ақлини ишлатмайди, ўз фикри билан иш юритмайди. Юқоридан берилган топшириқни бажаришни таъминласа бўлди. Мамлакат тақдири, халқ эҳтиёжлари масъулияти бўлмагандан кейин бундай ҳолатда ишлаш раҳбар учун анча енгил. У бир сўз билан айтганда ўрта звено сифатида шунчаки ташкилотчилик ролини бажаради, холос.

Мустақиллик ҳозирги давлат раҳбаридан жуда катта масъулият ва фидойилик талаб этади. Энди берилган топшириқлар ижросини ташкил қилиш эмас, балки давлат ва халқ олдидаги масалаларни мустақил ҳал этиш, юз бераётган ижтимоий-сиёсий ҳодисалар боришини сергаклик билан кузатиб бориш ва унинг натижаларини олдиндан сезиб туриш каби ноёб фазилатни талаб этади. Ҳозирги мустақил давлат раҳбари ниҳоятда бесаранжом ва беҳаловат шахс. Айни пайтда у бутун ҳаёт завқини машаққатга алмаштирган, ўз ҳаёти ва жонини мамлакат ва халқ ҳаёти йўлига тиккан одам ҳисобланади.

Мамлакатимиз Президенти муқобил сайлов йўли билан 1992 йили сайланиб, халқ унга муносиб ишонч билдирган эди. Яқинда бўлиб ўтган референдум эса ана шу ишончнинг яна бир узига хос исботи бўлди. Энди агар биз кўпчилик иродасига буйсунмасак, халқимизнинг референдум орқали билдирган ишончини ва иродасини тан олмасак, мустақилликка хиёнат қилган бўлардик. Айримларнинг, айниқса, хорижданги сиёсий лутфибозларнинг асоссиз гапларига учган бўлардик. Ҳар қандай демократик ҳодисаларга умумхалқ манфаатлари ва давлат эҳтиёжлари нуқтаи назаридан қарагандагина биз асосий йўлдан адашмаган, халқимиз хоҳиш-иродасини қўллаб-қувватлаган бўламиз.

Ана шу масала ҳам бевосита миллий ғурурга боғланиб кетади. Миллий ғурури соғлом бўлган киши энг аввало ўз давлати, ўз халқи ва оиласи тинчлиги учун курашадиган, умумий мамлакат равнақи йўлини тутган, унинг бой маданияти билан фахрланадиган бўлиши керак.

Етмиш йил мобайнида фуқаролар қалбидаги миллий ғурур сундиришга ҳаракат қилинди. Биргина мисол келтирайлик: миллий республикалар туб аҳолиси ўз она тилисини унутиб, рус тилига гапирган тақдирда уни маданиятли ҳисоблаш одат бўлиб қолган эди. Урта ва олий ўқув юртларига маҳаллий халқлар тарихи ниҳоятда қисқартирилган ва юзаки ҳолда ўқитиларди. Рус маданияти ва тарихи эса мумкин қадар кўпроқ тарғиб қилинар эди. Миллий ғурур ана шу йўл билан сундириб борилди. Ўз миллати ва миллий маданияти билан фахрланиш фазилати маҳаллийчилик ва шовинистик ҳаракатлар сифатида қораланиб келинди.

Миллий ғурур билан миллатчилик ўртасидаги фарқ эндигина — мустақиллик йилларида бошланди. Айни пайтда у ягона Ватан, ягона мамлакат истиқболи билан уйғунлашиб борган тақдирдагина мазмунан бойиб боради, моҳияти чуқурлашади. Қалбида миллий ғурур жўш урган ҳар бир фуқаро ўз Ватани равнақини ўйлаши ва ана шу Ватан маданияти ҳамда тарихи меваларидан баҳраманд бўлиши лозим. Бу Узбекистон Конституциясида «Ўзбекистон халқлари миллатидан қатъий назар Ўзбекистон фуқароларини ташкил этади» деган гаплар билан кафолатлаб берилган.

Миллий ғурур хусусида гап борар экан, дунё мамлакатлари ва жаҳон халқлари тажрибасига бир назар солайлик. Нима учун Америка Қўшма Штатлари аҳолисида миллий ғурур кучли. Аслида у ерда ҳам худди биздаги каби турли миллат вакиллари яшайди. Лекин улардан кимсан деб сўралса, инглизман ёки французман демайди. Америка Қўшма Штатлари фуқаросиман, дейди. Кўрдингизми, у қайси мамлакатда яшаётгани, қайси мамлакат фуқароси эканлиги билан фахрланади. Улар учун мамлакат шонш-ҳрати, мамлакатнинг бой маънавий ва маданий анъаналари тор миллий тушунчалардан баланд туради. Натижада миллати ва элатидан қатъий назар уни қайсидир мамлакат фуқаролиги туйғуси кўпроқ ғурурлантиради. Бу уларнинг миллий мансублигини ҳеч қачон чекламайди ва камайтирмайди. Демак, биз ҳам ижтимоий келиб чиқишимиз ва миллий мансублигимиз қандайлигидан қатъий назар Ўзбекистондай шонли тарихга эга бўлган ва буюк анъаналарга ворислик қилаётган мамлакатда яшаётганимиз билан фахрланишни ўрганмоғимиз керак. Бу бизни умумий манфаатлар атрофида бирлаштиришга, умумий хонадонимиз равнақига хизмат қилади, холос.

Ешларда миллий ғурур туйғусини кучайтиришга халқимиз ўтмишини ва бой тарихини ўрганиш, жаҳон тараққиётида дахлдор бўлган шарқ маданиятини пухта эгаллаш катта аҳамиятга эга. Биз энди бу соҳадаги турли расмиятчиликлар, яқин ўтмишимиздан мерос бўлиб қолган иллатлар ва бошқа кўзбўямачиликларни таг-туги билан йўқотиб, унинг ўрнига жаҳон тажрибаларидан кўпроқ фойдаланишимиз лозим. Дейлик, Япония мактабларида ҳафтанинг бир кунида ўқувчиларни япон халқи тарихини ўрганишга, миллий музейларга боришга, қадимий маданий меросларни ва осори атиқаларни кўришга ажратилар экан. Тарихни ўрганаётганда объектив ҳақиқат, умуминсоний қадриятларга дахлдор бўлган жиҳатларни кўпроқ ташвиқ қилиш катта самара беради. Аниқроқ қилиб айтганда кишини тор миллий маҳдудлик қобиғидан олиб чиқади. Оламга кенгроқ қараш, оламни англаш ва уни тушуниш имконини беради. Натижада миллий ифтихор туйғуси соф инсонпарварлик ғоялари билан уйғунлашиб кетади. Ана шунда ватанпарвар, қалбида ўз юрти билан фахрланиш ҳисси жўш урган комил ва баркамол инсонни тарбиялаб вояга етказган бўламиз.

Улуғ аждодларимизнинг номини санаб, уларнинг икки-уч асарини билиб олган билан ҳеч ким онгли бўлмайди. Ваҳолонки, ўша аждодларимиз қайси миллатга мансублиги билангина эмас, умуман инсоният онги ва тафаккурида бурилиш ясашгани билан фахрланиб яшашган. Фақат бизнинг давримизга келибгина — яқин ўтмишимиздаги ноқобил, ғайриинсоний сиёсат туфайлигина Форобий ўзбекми қозоқ, Ибн Сино тожикми ўзбек, Навоийнинг миллати ким қабилидаги бачкана мунозаралар гирдобига ғарқ бўлиб яшадик. Минг таассуфлар бўлсинки, бу улуғ бобокалонларимиз шунчалик майдалашмаган эдилар. Улар бутун ер шари равнақи, бутун инсоният тақдири, миллати ва элатидан қатъий назар инсон қалби ва онги учун курашиб яшаган эдилар. Энди биз ана шу улуғ анъаналарни ўзимизга сингдириб олишимиз ва такомиллаштириб боришимиз даркор.

Албатта, ҳар бир миллат ўз қавмига мансуб бўлган буюк аждодлари билан фахрланишга ҳақли. Буни ҳеч ким инкор қилмайди, ҳеч қандай қонун зўравонлик

Шундоқ ажиб юртсан, жон Қозоғистон,
Қардошим, қурдошим, бовурим азал!

Буюк Шарқ қўйнида бахти нурафшон,
Ўзбек диёридан саломим бу гал!

ЯГОНА ИҚТИСОДИЙ МАКОН САРИ

Бугун Қозоғистон Республикаси пойтахти Алматида Ўзбекистон Республикаси кунлари очилади. Албатта бу анжуман тарихий жиҳатдан катта аҳамиятга молик воқеа бўлиб қолиши, шубҳасиз.

Биз шу муносабат билан ягона Туркистон тақдири, ягона иқтисодий макон учун, халқларнинг эртанги келажаги учун иқтисодиётимизни барқарорлаштириб туришга ҳисса қўшаётган факт ва рақамларга ҳам бир назар ташласак, собиқ Иттифоқнинг «чангали»дан аллақачонлар чиқиб кетганлигимизни ҳис этамиз. Борди-келди, олди-берди борасида амалга ошаётган ишлардан кўнгиллар таскин топади.

Масалан, шу йилнинг биринчи чорагини олсак, қозоқ халқига ўзбек биродарлари 14600 тонна минерал ўғит, 300 минг метр сифатли газлама матолари, 309 миллион куб метр газ, кўплаб трансформатор, лифт ускуналари, кўприкли экскаваторлар ва шу сингари халқ хўжалиги учун зарур маҳсулотлар етказиб берди. Қозоқ бовурлардан эса 360 минг тонна буғдой, 4,5 минг тонна қора металл, фосфор ўғитини тайёрлаш учун 2 миллион тонна хом ашё ва бошқа эҳтиёжимиз учун керакли материаллар олинади.

— Икки қардош халқнинг ўз валюта бирликларига эга бўлганлигига анча бўлди. Шу ўтган вақт ичида пулларимиз муомалада. Унинг қадрини тиклаш, қийматини ошириш ўзимизга боғлиқ,— дейди Қозоғистон Республикасининг мамлакатимиздаги элчихонаси иқтисодий масалалар бўйича вакили Қоражон Аблазимов.— Шу боисдан давлатларимиз ўртасида мавоза усулини яхши йўлга қўйганмиз. Бу ҳамкорликни янада кенгайтириш имкониятлари кўп. Чунки бизнинг иқтисодий муносабатларимиз ҳам жуда қадим замонларга бориб тақалади. Тарихий маълумотларга қараганда, ўтган асрнинг бошларида ҳам бу ердан бепоён қозоқ ўлкаларига ҳар йили 40 — 50 минг туядан иборат савдо карвонлари мунтазам қатнаб турган. Бу карвонларда қозоқ овулларига газмоллар, кийим-кечак, уй-рўзғор буюмлари олиб борилган бўлса, у томонлардан қайтишларида сурув-сурув қўйлар, оту туя, озиқ-овқат, пистакўмир каби молларни келтирганлар.

Кўриниб турибдики, ўша кезлардаёқ донишманд ота-боболаримиз бугунгидай иқтисодий алоқа тизимини шакллантира олган. Республикамиз турли соҳа вакилларининг қозоқ юртига дўстлик сафари тарих синовидан ўтган шу қардошлик ришталарини янада такомиллаштиради, унга янги моҳият бағишлайди.

Маъмуржон ҚИЁМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ДИЛЛАРГА ДИЛЛАР ТУТАШ, ТОҒЛАР ТОҒЛАРГА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи сессиясида Республика Президенти И. А. Каримов «Марказий Осиё минтақасида ҳам иқтисодий, ҳам маънавий, ҳам сиёсий жиҳатдан ягона муҳит ташкил қилиш — бугунги куннинг энг долзарб масаласидир... ота юртимиз Туркистон — катта бир уй, буюк бир рўзғор, буюк бир оила. Бу оила фарзандлари қанчалик яқин ва аҳил бўлса, рўзғор ҳам шунчалик обод ва тўкин бўлади», деб таъкидлади. Шу ўринда юртбошимизнинг ўтган йили Алматига ташрифи олдидан журналистларга: «Мен «Она Ўзбекистон» дейишни хуш кўраман, шунингдек, «Она Қозоғистон» дейиш ҳам хуш ёқади, лекин кўпроқ «Она Туркистон» дегим келади» деб айтган сўзлари ёдимга тушди.

Ахир, она Туркистон... ота Туркистонни бир пайтлар ким танимасди ва ким билмасди? Ўғлонларининг орқасидан машҳур ва буюк бўлган Туркистон — халқларимизнинг қувончи, ифтихори, ғурури эди. Лекин шўролар тузуми даврида минг йиллик тарихга эга она Туркистон шажараси ўз халқидан яшириб келинди. Европа тарихини аъло билдигу, лекин Турон тарихидан ҳеч нарса билмай ўсганимиз ҳам сир эмас. Худога шукр, Ўзбекистонимизда ўзбек тили — Давлат тили. Биз — қозоқлар, ўзбек жигарларимиз тилини биламиз, ўзбек тилига ҳурмат, эҳтиром билан қараймиз. Ўзбек тилини билган, ҳурмат қилган Ўзбекистон халқ рассоми Ўрол Тансиқбоев, уруш қаҳрамони Қанлиба Тасиқулов, академик Натай Кенесарин, Меҳнат Қаҳрамони Қинадек Укибоев, Давлат мукофоти соҳиби, геология фанлари доктори Тошпўлат Бабажанов, академик Ҳабибулла Туранов, профессор Меирбек Оразов, республикада хизмат кўрсатган архитектор, Қозоғистон Республикаси Давлат гербининг муаллифи Жондорбек Малибековлар ҳеч кимдан кам бўлгани йўқ.

Президентимиз Туркистон ҳудудлари бўйлаб борди-келдиларни, маданий-маънавий муносабатларни яхшилаш тўғрисида ҳам тўғри таъкидлади. Ҳақиқатан ҳам Туркистонимиз келажаги миллатлараро дўстлик алоқаларидан бошланади. Иқтисодий алоқаларнинг мустаҳкамланиши зарурлиги ҳам асосли таъкидланди. Ўзбекистон ва Қозоғистон Республикалари Президентлари И. Каримов билан Н. Назарбоевлар 1990 йили қозоқ тилидаги «Дастиқ туғи» газетасига оқ фотиҳа беришди. Орадан кўп ўтмай Жанубий Қозоғистонда «Дўстлик байроғи» газетаси ўзбек тилида нашр қилинди ва у ҳозирги кунда ҳам фаолият кўрсатмоқда.

Ҳар икки республикада ижтимоий-сиёсий, адабий ва тарихий ҳамда болаларга бағишланган журналлар очилса, айни муддао бўларди.

Яқинда Тошкентга космонавт Толғат Мусабоев келди. Биз унга: «Ёлғиз ўзингиз учмай, ўзбек акангизни ҳам олиб учмайсизми?» деганимизда у: «Бир ёқадан бош чиқариб ҳамжиҳат ишласак, битмайдиган иш борми?» — деди.

Дилларимиз туташ, тоғларимиз туташ. Келеснинг нариги томонидан чалинган дўмбира ва Қибрайнинг бу томонидан чалинган дутор овозлари чегара билмайди. Дилларимизга етиб келаверади. Бу томондан учган булбул Келеснинг нариги томонида сайрамайди деб ким айтади? Қаранг, яхшилаб қаранг, Қурама тоғлари Қозоғистон пойтахтидаги сервиқор Олатоғлар билан туташиб ётибди. «Бириккан ўзар, бирикмаган тўзар» дейилади қозоқ мақолида. «Бўлинганни бўри ер» дейди ўзбек. Шунинг учун ҳар ишда оёқни аниқ ва дадил босишимиз керак.

Маҳкамбой УМАРОВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, халқаро айтишувлар ғолиби, оқин.

Хонбиби ЕСЕНҚАРАЕВА

НУР ҚЎНГАНДАЙ ЮЗИМГА...

Хонбиби Есенқараева Сариоғоч туманида таваллуд топган. Дастлаб туман газетасида, кейинчалик эса Жанубий Қозоғистон телерадиокомпаниясида, «Қозоқ тили» жамиятида хизмат қилган. Ҳозирги кунда эса Жанубий Қозоғистон вилояти филармониясининг директори. Республика Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси. Тўртта китоби чоп этилган.

Қулоғимда ажиб сас,
Нур қўнгандай юзимга,
Қайта-қайта қарайман
Сизга борган изимга.

Риштаси сиз томонда,
Бўйнимдаги туморнинг
Айтарини айтолмай,
Ҳаёланган хуморнинг.

Соф тилагим парвозга
Очилмаган, шекилли,
Икки ошиқ, қўш юрак,
Боғланмаган, шекилли.

Бу йигит азобимми, армонимми,
Дил тоғимми чақирган, ёлғонимми?
Киприкларим им қоқар кулимсираб,
Илғамайди ёнида ёнганимни.
Мумкин, йиллар сояси этди таъсир,
Лекин мени соғинчи қилган асир.

Унутса у унутсин, бироқ меннинг,
Унутишим қийиндир, маълум бу сир.
Қаршимдан чиқиб қолса ҳўб товланиб,
Сўз тополмай, қийналаман каловланиб.
Ўша сиймо эслатиб ёшлигимни,
Кўринади кўзларимга оловланиб.

МЕНМАН

(Жумбоқ ўлан)

От тизгинин қўйвориб,
Салом бердим яқиндан.
Қарамадинг қайрилиб
Аразлаган келиндай.
Оғирми ё қулоғинг,
Кўрмайсанми чироқни.
Манмансираб кетибсан
Босиб ўтдинг булоқни.
Манманликка даво йўқ
Бўғиб ташлар ўзингни.
Бети йўқ дер, кўрсалар
Супиришар изингни.
Мен-чи бахтли оқинман,
Сен кўпикка ўхшайсан.
Мансабдан кетган кунинг
Қопқиқдайин бўшайсан.
Салом берган мен эдим,
«Ҳолинг қалай?» демадинг.
Бийрон тилим бойланиб
Не деярин билмади.
Суви қочган денгизда,
Излагандай кемани.
Қайтиб бориб элимга
Сўйлаб берай нимани?
Сен осмонда, мен ерда,
Мағрурланиб кўрмадинг.
Кўкрагингнинг довига
Қараб туриб терладим.
Чалқаявер чираниб,
Қоринни қўй, боғлайвер.
Сийламасанг шоирни,
Ўзни номард чоғлайвер.
Сайланиб эл бошига
Бир йил бурканди шонга.
Сайратиб булбулини
Ўзи тушди қопқонга.

Ўзбекчага Н. ЖАЛИЛ уйғунлаштирди.

АБАЙНИНГ 150 ЙИЛЛИГИ

Жиззахдаги педагогика билим юртида қозоқ халқининг севимли фарзанди, буюк мутафаккир ва адиб Абай Қунанбоев таваллудининг 150 йиллигига бағишланган адабий кеча бўлиб ўтди. Кечада билим юрти ўқувчи ва ўқитувчилари, шаҳар жамоатчилик вакиллари қатнашдилар.

Йўлчи ЖЎРАЕВ.

Қозоғистон янгиликлари

«МАРКО ПОЛО» УЗРА БЕШ ЮЛДУЗ

Қозоғистон пойтахтида республикада биринчи марта беш юлдузли меҳмонхона очилди. Меҳмонхона биноси ўзининг дизайни ва муҳандислик ечими жиҳатидан Ҳамдўстлик мамлакатларининг ҳудудида ягонадир.

Нурсултон Назарбоев беш юлдузли «Марко Поло»ни Австрия сафарида кўргани «Синти Клаб» билан тенг таққослади. Австрия Қозоғистон учун биринчи бўлиб кредит йўлини очиб берди ва бугунги кунда йирик қўшма лойиҳаларни фаол амалга оширмоқда. Шулардан бири бундан икки йил муқаддам пойдевори қўйилган 300 ўринли ўн қаватли «Марко Поло» меҳмонхонасидир. Бу ерда 500 ходим сервис хизмати кўрсата бошлади. Шундан 17 киши австриялик бўлиб, қолганлари қаттиқ имтиҳондан ўтган маҳаллий ёшлардир.

Янги меҳмонхонадан сал нарироқда Туркия қурувчилари бунёд этаётган яна бир замонавий меҳмонхона биноси қад кўтармоқда. Бундай меҳмонхоналар Чимкент, Оқмола ва Толдиқўрғонда ҳам қуриляпти.

МЕТАЛЛНИНГ УВОҒИ ҲАМ АЗИЗ

Қозоғистон Республикаси Президентининг фармонига биноан Қозоғистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошида рангли ва қора металлардан оқилона фойдаланишни назорат этувчи Давлат инспекцияси ташкил этилди.

У собиқ Иттифоқ металлургия вазирлигининг Ўрта Осиё минтақасида иш олиб борувчи инспекциясининг меросхўридир. Унинг асосий вазифаси металлар тўғри ва тежамли ишлатилишини назорат қилиш ва божхоналарга ёрдам беришдан иборат.

ЭРОН АВИАКОМПАНИЯСИ БЎЛИМИ ОЧИЛДИ

Мамлакат пойтахтидаги меҳмонхонада Эрон давлат авиакомпанияси бўлимининг тантанали очилиш маросими бўлди.

Бу Алматида жойлашган еттинчи мамлакатнинг авиакомпаниясидир. Янги компания мана ўн ойдан буён Теҳрон - Алмати - Теҳрон рейсини амалга оширмоқда. Ўз навбатида «Қозоғистон ҳаво жўли» авиакомпанияси ҳам Алмати ва Машҳад шаҳарлари ўртасида ҳаво қатновини йўлга қўйган.

(Марказий Осиё ахборот агентликлари ва газеталаридан олинди).

Дўстлигимиз куйла, дўмбирам.

Даврон АҲМАД олган сурат.

Азим Тошкентга кунига қанча одам келиб кетади. Билмадик. Самолёту поезд, автобус ва машинада қариндош-уруғини кўргани, хизмат юзасидан, бошқаси эса шаҳарни томоша қилгани келади. Биз турли касб ва ёшдаги қардошларимиздан Қозоғистонда ўтадиган Ўзбекистон кунлари ҳақидаги фикрларини сўрадик:

Акимбой ТОСТОНБЕКОВ, Сариоғоч тумани халқ таълими бўлими касаба уюшмаси қўмитаси раиси:

— Ўзбек билан қозоқнинг бирлиги катта бойлигимиз. Бунда чуқур маъно бор. Мустақиллик шароитида халқларимиз янада жипслашиши керак. Қадимда шундай бўлган. Ўзбег-у қозоқ эт билан тирноқ. Уларни бир-биридан ажратиб бўлмас. Ўтган йили Ўзбекистонда ўтказилган Қозоғистон кунлари қандай ажойиб бўлганди! Бу гал Қозоғистонда ўтадиган Ўзбекистон кунлари ҳам шубҳасиз катта тўйга айланиб, оға-инилар ўтасидаги дўстликни янада мустаҳкамлайди.

Ўктам НОДИРОВ, шифокор:

— Ана шундай борди-келдиларни йилда икки-уч марта ўтказсак ҳам кам, сизга айтсам. Ахир ота-боболаримиз азалдан бир бўлишган. Аҳил-иноқ яшаганлар. Президент Ислом Каримов айтганларидек, бирлашсак бизни енгадиган куч йўқ. Қозоқ ва ўзбек бир эл бўлиб келган, шундай бўлиб қолади. Чунки, қонимиз бир, еримиз бир, динимиз бир. Гап келиб қолганда айтай: «Пахтакор»нинг ашаддий ишқибозиман. Илгарилари Олмаотада «Қайрат» билан бўладиган ўйинларга бориб, «Пахтакор»га ишқибозлик қилардим. Ўйин байрамга айланарди...

Омонтой АЗИМОВ, Қозиғурт тумани таксопарки шофёри:

Дил сўзлари

МЕҲР — КЎЗДА

— Тошкентга ўз уйимдай келиб тураман. Қуйи Чирчиқда тоғамлар яшашади. Икки халқнинг бориб-келиб турғани яхши. Шу маънода Қозоғистонда ўтадиган тантаналар фақат яхшиликка хизмат қилиб Туркистон эли фарзандлари ўртасидаги қардошликни мустаҳкамлайди. Бу халқларнинг айри яшаши мумкин эмас. Чунки аждодларимиз яйлови битта бўлган, бир дарёдан сув ичиб, бир дастурхондан нон ейишган. Қиз олиб, қиз беришиб, қуда-қудағайлар бўлишган. Бугунги авлод эса қадимий алоқаларни яна мустаҳкамлаши зарур.

Ойша ҚАСИМБЕКОВА, Сариоғоч тумани, Қоплонбек қўрғони уй бекаси:

— Алматида ўзбекистонликларнинг катта байрами бўлишидан хабарим бор. Бундай кунлар бир-биримизни янада яқинлаштиради. Шундай тадбирлар вилоятлар бўйича ҳам амалга оширилса яхши бўларди. Оғаиниларни бир-бирини йўқлаб туришига нима етсин. Меҳр — кўзда дейишади-ку. Тошкент бизга бир қадам. Шунинг учун ўзимиздан ортган сут-қатиқларни шаҳарга олиб келаман. Ҳамқишлоқларим ҳам ўзлари етиштирган маҳсулотларини Тошкент бозорларига олиб келишади. Бу, ўзбек билан қозоқнинг бозори ҳам битта, дегани.

Ҳамидулла БАЙМЕНОВ, Алмати шаҳри, иқтисод фанлари номзоди:

— Ўзбекларни ўз оғам, деб биламан. Ўзим Тошкентда яшаб илм олганман. У ерда танишларим, дўстларим кўп. Мен улар билан акаукадайман. Турмуш ўртоғим Ася ҳам ўзбек иниларимизнинг тузини еган, тарбиясини олган. Ҳозир Алматида яшаётган бўлсамда, Тошкентга, оғайниларимиз ҳузурига боргимиз келаверади. Шу кунларда ўзбекистонлик дўстларимизни сабрсизлик билан кутаётирмиз. Шундай борди-келдиларимиз кўпайсин.

Бу икки халқ бир-бирисиз яшай олмайди.

Равшан ШОДИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

UZBEKISTAN airways

ПАРВОЗГА ТАКЛИФ ЭТАМИЗ

Мана, ёз ҳам келяпти. Кўпчилик ўз таътилини қаерда ўтказиш тўғрисида бош қотириши турган гап. Агар Сизни олис мамлакатлар ва ғаройиб сайёҳатлар жалб этса, унда Сиз "Ўзбекистон ҳаво йўллари"нинг халқаро қатновларидан фойдаланишингиз мумкин. Авиакомпаниянинг парвозлари жуғрофияси тобора кенгайиб бормоқда. Биргина шу йилнинг бошидан буён **Тошкентни Амстердам, Нью-Йорк, Афина, Жакарта** билан боғлаган янги ҳаво йўллари очилди.

Тез орада Баҳрайн орқали **Мальдив Республикасига** мунтазам қатновларни амалга ошириш режалаштирилмоқда. Агар МДҲнинг бошқа шаҳарларидаги қариндошларингиз ёки дўстларингиз билан учрашиш, амалий сафар қилиш. Қора денгиз соҳилларида дам олиш зарурияти туғилса, унда шуни эслатиб ўтамизки, ёзги мавсум арафасида "Ўзбекистон ҳаво йўллари" авиакомпанияси Симферополь ва Мин-Воды, Киев, Санкт-Петербург, Рига, Омск, Екатеринбург ва кўпгина бошқа шаҳарларга рейсларни жорий этди.

Тарифлар ўзгарувчан. Қулайлик ва хавфсизлик кафолатланган.

"Ўзбекистон ҳаво йўллари" авиакомпаниясининг самолётлари бортида Сизлар билан учрашишдан бағоят хурсандмиз!

Билетларни харид этиш, гуруҳларни расмийлаштириш масалалари бўйича барча зарур маълумотларни авиабилетларни банд этиш ва сотиш мажмуасидан олишингиз мумкин: Тошкент, Ш. Руставели кўчаси, 9. Телефонлар: 56-38-37, 006.

АВИАРЕКЛАМА

ПОКИСТОН ИСЛОМ ЖУМҲУРИЯТИНИНГ БОШ ВАЗИРИ МУҲТАРАМА БЕНАЗИР БХУТТО ХОНИМНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА РАСМИЙ ДАВЛАТ ТАШРИФИНИ ЧИН ҚАЛБДАН МУБОРАКБОД ЭТАМИЗ !

ПОКИСТОН ТОВАРЛАРИ КЎРГАЗМАСИГА МАРҲАМАТ ҚИЛГАЙСИЗ !
КЎРГАЗМА 1995 ЙИЛ 22—27 МАЙ КУНЛАРИ "ТУРКИСТОН" САРОЙИДА НАМОЙИШ ЭТИЛАДИ

"ЭКСПОПАК-95" "ЭКСПОПАК-95"

Ранг-баранг ассортиментдаги маҳсулотлар тавсия этилади:

Саноат товарлари, машина асбоблари, цемент ва шакар заводлари, электроника ва электр моллари, автомобиллар ва эҳтиёт қисмлар, пахта, калавалар, тўқимачилик ва полиэстрол газламалари, тикилган кийимлар, пайпоқ буюмлари, сочиқлар, спорт моллари, хирургия асбоблари, косметика, тамаки ва сигареталар, гуруч, озиқ—овқат неъматлари, ёғочдан ишлан-ган мебеллар, халқ ҳунармандчилиги буюмлари.

ЕЬВ

Покистон ҳукумати экспортни ривожлантириш бюроси Покистоннинг Тошкентдаги элчихонаси, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги билан ҳамкорликда уюштирилган кўргазма манзилгоҳи: Ўзбекистон, Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони рўпарасидаги "Туркистон" саройи.

Мурожаат учун телефонлар: 77-14-42, 77-10-03, 77-82-72.

ИЛК БОР ТОШКЕНТДА !

Тўғридан-тўғри омбордан сотилади! Мисли кўрилмаган хилма-хил маҳсулотлар!

Оврўпанинг энг яхши фирмаларидан пешма-пеш етказиб берилади!

Юнонистон ва Олмониянинг қандолатчилик ва озиқ-овқат маҳсулотлари;

Италиянинг "FRESH", "TROPICO", "AMARETTO" винолари, ликёрлари; "BRUT", "SPUMANTE", "MOSKATO" шампан винолари;

Олмония, Бельгия, Голландиянинг сара ароқларини сотиш

ДАВОМ ЭТМОҚДА

Тошкентдаги омбордан ҳар қандай бутланган 386, 486 компьютерларнинг, "CANON" нусха олиш аппаратлари, факслар, калькуляторларини **СОТАМИЗ**

Алоқа учун телефонлар: 45-70-65, 45-55-65, Ҳар куни соат 9.00 дан 18.00 гача.

СПОРТ

ФАРҒОНА ТЕННИСЧИЛАРНИ КУТМОҚДА

Фарғона шаҳрида халқаро талабларга жавоб берадиган теннис комплекси очилди.

«Истиқлол» деб аталган муҳташам масканда халқаро мусобақа ўтказиш, ўйинчилар ҳамда томошабинлар учун барча шарт-шароитлар муҳайё. Узига хос сарой оммавий ҳашар йўли билан қисқа муддатда қуриб битказилди. «Буюк ипак йўли» — Сателлит халқаро теннис мусобақаларининг 3-босқичи мана шу майдонда ўтказилади. «Истиқлол» теннис коплексининг тантанали очилиш маросимида Фарғона ва Наманган вилоятлари ҳокимлари иштирок этишди.

Алишер ИБОДИНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Футбол

ОЛИМПИАДАЧИЛАР УЧРАШУВИ

Бугун Марказий Осиё мамлакатлари терма футбол жамоалари ўртасида Олимпиада саралаш учрашувлари бошланади.

Ўзбекистон олимпиада терма жамоаси дастлабки учрашувини сафарда қиргиз футболчилари билан ўтказадилар. Шундан кейин улар 10 июнда Тожикистон, 24 июнда Қозоғистон ва 12 августда Қирғизистон жамоаларини қабул қилишади. 2 сентябрь ва 7 октябрь кунлари футболчиларимиз Тожикистон ҳамда Қозоғистон жамоаларининг меҳмонлари бўладилар.

Оғир атлетика

МАҲОРАТ КЎРСАТИШДИ

Эронда жаҳон кубоги учун мусобақанинг навбатдаги босқич баҳслари ўтказилди.

Ўзбекистон полвонлари ўз вазнларида маҳорат кўрсатиб 2, олтин 2 кумуш ва шунча бронза медали олишди. Жумладан, андижонлик Игорь Халилов билан ангренлик Дмитрий Фролов ғалаба қозониб, олтин медаль соҳиблари бўлишди. Самарқандлик Григорий Лейбман икки бор Осиё рекордини ўрнатди. Тошкентлик Абдуғаффор Синдоров билан тахиятошлик Фозилбек Ўрозимбетов ғолиблик супасининг учинчи поғонасига кўтарилиб, кўксиларига бронза медаллари тақдилар. 12 мамлакат иштирок этган мусобақада вакилларимиз умумҳисобда иккинчи бўлишди. Бу ютуқ олимпиада ўйинларига пухта тайёргарликдан нишонадир.

Мерганлик

БЕХАТО НИШОНЛАР

Ҳандақдан нишонга олиш бўйича ўтказилган мамлакат очиқ чемпионати мухлисларда яхши таассурот қолдирди.

Қозоғистонлик Виктор Пидгаевский 150 имкониятдан 144 очко жамғариб, ғалаба қозонди. Нишон-ликобчаларни аниқ мўлжалга олишда қолган икки фахрли ўринни эгаллаган тошкентлик Андрей Гаврилов билан Игорь Крайновлар биринчи марта халқаро спорт устаси талабини бажардилар. Қўш нишонни бехато уришда эса тажрибали мерган, Москва Олимпиадаси совриндори Рустам Ямбулатов ўзини кўрсатди. У юз имкониятдан 78 очко тўплаб, ғалаба қозонди.

Ҳайдар НОСИРОВ.

ИЛЛАТ Ё ОШДА, Ё МОШДА

(Фельетон)

Ҳаммаси жойида эди. Куни ўтиб турганди. Кўз тегди. Ўзига-ўзи қилди. Индамай юраверганида, қуриб-қурмаганида борми? Энди жабрини чекяпти.

— Яхши бўлмади. Бердиевга, — дейди билганлар.

Билмаганларга гап керак.

— Бу кунидан баттар бўлсин у ношукур. Еб ётса тешиб чиқармиди. Одамнинг қорни туйса тепадиган бўлиб қолади ўзи.

Бердиев ғивир-шивирлардан безиб қолган.

— Қайси бировига тўпунтираман бу тўнкаларнинг, — ўйлайди у ва йўлида кетаверади.

Даъвони ўрганиб чиққан Денов туман суди Шодмон Турсунов раислигида 1994 йилнинг 28 апрели куни қўйидаги ҳал қилув қарорини чиқарди. **«Бердиев Норбойнинг даъвоси қаноатлантирилсин. У ўз вазифасига — Денов ёқ-экстракция заводининг бош ҳисобчисилигига тиклансин. 1993 йил 10 июндан 1994 йил 28 апрель кунигача мажбурий бекор юрган кунлари учун иш ҳақидаги ўзгаришлар бўйича ҳисоб-китоб қилиб, иш ҳақи ундирилсин. Қарорнинг Бердиев Норбойни ўз ишига тиклаш ҳақидаги қисми дарҳол ижрога киритилсин».**

Аслида гап бундай бўлганди. Норбой Бердиев Денов ёг-экстракция заводида бош бўлгутир эди. Турмуши бировдан паст, бировдан баланд. Бир оилани тебратишга қурби етарди-да энди. Топишиям ёмонмас. Шу тарзда яшайверса бўларди. Аммо виждони йўл қўймади. Заводда юз бераётган талон-торожликларга чидолмади. Унга қарши бош кўтарди. Ана шу «узбошимча»лиги ўзининг бошига етди.

Завод раҳбарларига бу ёқмади. «Жанжалкаш»нинг танобини тортиб қўя қолишди. Ундай-бундай, дея пачакилашмади. Ҳе йўқ, бе йўқ Н. Бердиевни ишдан бўшатиш ҳақида буйруқ тайёрлаб, унга имзо чекди. Шу билан бош бўлгутирнинг овозини учирмоқ истагида эди-да. Буни қарангки, «ўжар» осонликча жон берадиганлардан эмаскан. Ҳақ-ҳуқуқини сураб, Денов шаҳар судига борди. Суд 1993 йилнинг 16 ноябридаги ҳал қилув қарори билан Норбой Бердиевни вазифасига тиклади.

Буни завод катталари писанд қилишмади. Аксинча ишни тескари айлантириб юбормоқчи бўлишди. Орадан икки ой ўтгач вилоят суди Бердиевни вазифасига тиклаш қарорини бекор қилиб, ишни Денов туман судига янгитдан қуришга қайтарди.

Кейин нима бўлди денг. Завод директори Очилди Қодиров қарорни бажариш ўрнига шу ишни ижро эттирмоқ учун борган суд ижрочиси Исматулла Тоировни қоровулга тайинлаб, завод дарвозасидан киритмади(!). Ана сизга қонунга, судга бўлган ҳурмат. Ана сизга директорнинг манманлиги.

Устига-устак «Сурхондарёозиқ-овқатсаноати» комбинатига айлантирилган ёг-экстракция заводининг директори умумий мажлис чақириб, суд қарорини муҳокама қилдирди(!). Ҳа, муҳокама қилдирди. Яна суднинг ҳал қилувчи қарори қонуний кучда турган пайтда — 1994 йилнинг 10 майида(!). Зўрники тегирмон юргизади, деганлари шумикин-а?

Узини хон, қуланкасини майдон билган бир одам шундай қилиб тургач у ерда қонунга қандай амал қилиниши мумкин? Ҳамма билганини қилиб юраверадида. Эплагани ўгирлик, эпламагани алламбало. Бир факт. Тайёр маҳсулотлар омбори мудири А. Қаршиев қараса бошлиги қонунга беписанд. Ҳаммаёқ бемалолчилик. Қараб ўтиргиси келмади. 30 минг сўм турадиган 17 тонна озиқ-овқатни гум қилиб юбораётганда ички ишлар ходимлари томонидан қўлга олинди.

Омборчи Умидулло Гулов ҳам қадрдонидан қолишмади. У шулха юклаган етти машинадан 2500 кило маҳсулот кам чиқди. Биттасида 500 кило ортиқ экан. Шунингдек, у 24—07 рақамли машинада 4800 кило шулхани ҳужжатсиз чиқариб юборавердi.

Икки «ошна»нинг устидан жиноий иш қўзғатилганди. Аммо кимдир ташлаган арқон жуда узунлигидан ишнинг охирини кўриб бўлмаяпти. «Узозиқ-овқат» мутахассисларининг комплекс текширувлари ундан-да баттар далилларни фош қилди. Мана, айримлари.

...Меҳнат жамоасининг розилигисиз маъмурият буйруғи билан 1990 йил 15 майда заводнинг ёрдамчи хўжалигидан тирик вазнда 9853 килоли 30 бош қорамол Шурчи ун комбинатига ҳар килоси 3 сўм 50 тийиндан сотиб юборилган. О. Қодиров фонд интизомига риоя қилмай, катта миқдордаги шулха ва кунжара маҳсулотларини тайёр маҳсулотларни сотиш бўлимининг бошлиғи Норқобилов Қиёмиддин билан биргаликда кўп хўжаликларга фондсиз пахта ёғи — 2467 тонна, шулха — 3343 тонна, кунжара — 468 тонна, бундан ташқари, фондсиз юқори 460 тонна пахта ёғи, кунжара — 1625 тонна, шулха — 5214 тонна фондсиз жўнатилган. Шунинг натижасида кўп хўжаликларга пахта ёғи 2890 тонна, кунжара 1212 тонна, шулха 2196 тонна етказиб берилмаган.

1990 йилнинг биринчи ярмида кўп хўжаликларга фондсиз кунжара — 168 тонна, шулха — 2167 тонна жўнатилган. Бундан ташқари, фонд бўлишига қарамай шу даврда 463 тонна кунжара, 2965 тонна шулхани хўжаликлар ололмай қолишган.

Тафтиш даврида директор О. Қодировнинг буйруғига биноан заводнинг ишчи-хизматчиларига ҳар бир тоннаси 8 сўмдан шулха сотилган (прейскурант 007 — 1977) (45—04) ҳар бир тоннаси нархи 33 сўм. Натижада заводга 22421 сўм зарар келтирилган...

Аён бўлдики, бу ерда вазият аввалдан чатоқ. Торт-торт илгаридан бошланган. Хуллас, иллат ё ошда, ё мошда. Лекин ҳуқуқшунослар жим.

Яна Бердиев ҳақида айтадиган бўлсак, у ҳануз ишсиз. Бундай олиб қаралса, ундан омад юз ўгиргани йўқ. Лекин иши юришмай турибди ҳозирча. Кечаги қадрдонлари бугунда рақиб. Куни судлов идораларига қолган. Ҳақни, деб шу қўйга тушди. Шерикчиликка виждони қийналади. Шу тариқа овора. Аммо Норбой Бердиев умидсизмас...

Қурбон АЛИ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ие, йўқ-е, наҳотки?!

БУНАҚАСИ ТУШИГА ҲАМ КИРМАГАН

МАРИЙ ЭЛДАГИ Юрино посёлкасида яшовчи сабзавоткор А.Бахарев иссиқхонада ғаройиб — турли шишалар шаклида бодринглар етиштирмоқда. Бунинг учун у жуда оддий усулни қўллаган: гуллаган мевабандни шишанинг ичига киргизиб қўяди, вассалом. Қарабсизки, маълум вақтдан сўнг «шиша-бодринг» пишиб етилади. Фақат битта лекини бор-ҳосилни териб олишда шишаларни синдиришга тўғри келмоқда.

А.Рибаков эса бодрингни полиэтилен халтачаларда пиширмоқда. Қизиғи шундаки, бундай бодрингнинг бир донаси бир килодан ортиқ чиқади. Кашфиётчиларнинг бу ишлари машҳур селекциячи Мичуриннинг тушига ҳам кирмаган бўлса керак.

ҚУРБАҚАХЎРЛАР ЖАЗОСИ

Бельгияда баҳор мавсумида қурбақа овловчи браконерларга қарши кураш бошланади. Яқинда қурбақани бетартиб овловчи икки жиноятчи назоратчи ходимлар томонидан қўлга туширилди. Уларнинг халтасидан 4253 та қурбақа чиқса бўладими! Уларни шаҳар ресторанларидан бирига роса 2 минг долларга сотишни режалаштирган эканлар. Афсус, режалари амалга ошмай қолди. Қийинчилик билан тутилган қурбақаларни қўйиб юборишга тўғри келди.

ИСМИ ЎЗГАРГАН ФАЗОГИРЛАР

Баъзилар учун исм-шарифни ўзгартириш ҳеч гап эмас. Жумладан, собиқ Иттифоқ даврида фазогирларнинг исми юқори доирадаги шахсларга ёқмай қолса, шу заҳоти ўзгартирилган. Масалан, совет фазогирлари билан бирга учган польшалик учувчининг исм-шарифи Хермашевский эди. «Қандайдир жарангсиз», - дейишган ўшанда. Шу пайтнинг ўзида Гермашевский қилиб ўзгартирилди. Худди шундай воқеа болгариялик фазогир тақдирида ҳам қайтарилди. Яъни уники Какалов эди. «Бўлмайди, - дейишди. — Яхшиси Иванов бўлиб учсин».

ТАШКИЛОТ СОТИБ ОЛАДИ:

— Дастгоҳлар /янги ёки ишлатилмаган/;
— координатли йўнувчи;
— токарлик;
— фрезерлик;
— пармалаш;
— гильотинлар /жоду/.

ШУНИНГДЕК:

— В-800 мм. транспортёр лентаси;
— механик юк кўтаргич /қўлда/;
— ВДМ-100/УЗ пайвандлаш тўғрилагичи;
— ВД-20/УЗ пайвандлаш тўғрилагичи;
— ВЦП 6-45 №8 парраги;
— ВЦ 4-76 №10 парраги;
— ЦНС-60-250 насос тўплами;
— 1136-В2 турдаги оддий ҳаракатланувчи бир босқичли ҳаво поршенли кўчма компрессор.

Воситачилар /жисмоний ва юридик шахслар/ хизмати учун ҳақ тўланади.

Телефонлар: соат 8^{00} дан 17^{00} гача 93-08-47, соат 18^{00} дан 21^{00} гача 67-20-79.

ТОШКЕНТЛИКЛАР ВА ПОЙТАХТ МЕҲМОНЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

"Ўзбекенгилсаноат" уюшмаси Тўқимачилар саройи олдида доимий ишлаётган енгил саноат маҳсулотларини сотиш бўйича кўргазма-ярмаркага таклиф этади.

Сизларнинг эътиборингизга улгуржи ва чакана нархларда кенг турдаги пахтадан тайёрланган газламалар, шойи газламалар, замонавий трикотаж ва тикувчилик маҳсулотлари, пойабзаллар, атторлик, пайпоқ ва чинни корхоналари маҳсулотлари, тикув иплари таклиф этилади.

Бундан ташқари ташкилотлар ва хусусий тадбиркорларга, уларнинг қайси идорага қарашли бўлишидан ва мулкчиликнинг қандай шаклида эканлигидан қатъи назар, хом-ашё ва материаллар таклиф этилади.

Баҳолар бозор нархларига нисбатан арзон

Ярмаркада "Ўзбекенгилсаноат" уюшмасининг барча ҳиссадорлик жамиятлари ва корхоналари қатнашмоқда.

Сизларни ҳар куни эрталаб соат 9.00 дан бошлаб қуйидаги манзилда кутамиз: Тошкент шаҳри, Бобур кўчаси, Тўқимачилар саройи.

Маълумотлар учун телефонлар: 39-10-53, 39-13-49 | Йўналиш : Бобур номли истироҳат боғи.

ҲУНАРЛИНИНГ ҚЎЛИ ГУЛ

Мустақил республикамизда иқтисодий ислоҳотларнинг амалга оширилиши барча соҳаларда бўлганидек ўрта махсус таълимга ҳам таъсир этяпти. Бугунги кунда Ўзбекистонда 244 ўрта махсус ўқув юрти мавжуд бўлиб, уларда 240 минг нафарга яқин ўқувчи таҳсил олади. Тайёрланаётган бу ишчи кадрлар жаҳон андозаларига мосми, улар билим олаётган ўқув дастурлари бугуннинг талабига жавоб берадими, бозор муносабатлари таркиб топаётган шароитда ўрта махсус ўқув юртларининг вазифалари нималардан иборат? Шу сингари муаммоли масалалар Тошкент авиация техникумида икки кун мабойнида давом этган 1 Республика илмий-амалий конференциясида муҳокама этилди. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан уюштирилган мазкур тадбир «Ўрта махсус ўқув юртлари бозор муносабатларининг шаклланиши шароитида» мавзуида ўтказилди.

— Бундай анжуманни ўтказишдан мақсад, — дейди Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ўрта махсус ўқув юртлари бош бошқармаси бошлиғи Жўманазар Ҳусанов, — шакланаётган бозор муносабатлари талабларига жавоб берадиган мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишдан иборат. Ахир халқимизда «ҳунарлининг қўли гул» деб бежиз айтишмайди. Иқтисодий, ҳуқуқий, фойдали қазилмалар қазиб олиш, шунингдек қурилиш, авиация, тиббиёт соҳалари бўйича талаб-эҳтиёжни ҳисобга олиб малакали мутахассислар тайёрлашга қўпроқ эътибор қаратиш, бозор иқтисодиёти даврида ўқитувчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш масалаларини ҳал қилиш ҳам муҳимдир.

Анжуман очилишида Ўзбекистон республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазири О. Салимов иштирок этди. Мазкур тадбир қатнашчилари ўз шуъбалари бўйича бириктирилган ўқув юртларда қизиқарли суҳбатлар ўтказдилар.

Умида ФАЙЗИЕВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Қарши шаҳар жамоадаги улгуржи-чакана «Шарбат-савдо» фирмасининг ҳисоб-китоб счетидаги № 722734 бўлган 860209 дан 860250 гача рақамли чеклари йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Республика мах ус алоқа тармоғи жамоаси шу корхона ходими **Фатхулла РУСТАМОВнинг** бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва қариндошларига чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент Давлат Аграр университети ўзбек тили кафедраси жамоаси катта ўқитувчи, филология фанлари номзоди Сувон Мелиевга акаси **Мирзо МЕЛИЕВнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Бош божхона бошқармаси жамоаси бошқарманинг контрабанда, божхона қоидалари бузилишига қарши кураш ва суриштирув бошқармаси бошлиғи Равшан Тоировга волидаи муҳтарамаси **Риҳси ая АБДУРАЗЗОҚОВАнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир: Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати: Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Азиз ҚАЮМОВ, Аслиддин БОЛИЕВ(масъул котиб), Ислом ШОҒУЛОМОВ, Хайрулла ЖЎРАЕВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

БЎЛИМЛАР:

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-20-36, 36-54-35.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 36-26-70, 36-57-19.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04, 36-54-06.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-47-80, 33-12-16.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55, 36-54-12.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда -- 5-27-11; Бухорода -- 3-54-87; Гулистонда -- 2-26-22; Жиззахда -- 3-31-86; Навоийда -- 3-75-43; Наманганда --6-43-43; Нукусда -- 7-58-83; Самарқандда -- 35-22-90; Тошкентда-- 33-54-55; Урганчда -- 6-51-35; Фарғонада -- 26-37-16; Қаршида -- 3-25-79; Қумқўрғонда -- 5-26-24.

• Рўйхатдан ўтиш тартиби №00 120. • Газета офсет усулида А--2 форматида босилади. • Ҳажми 2 босма табоқ. • Г -- 0192, 44126 нусхада босилди.

Навбатчи муҳаррир С. АШУРОВ, навбатчи С. САЛИМОВ.



МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти -- 21.00. Топширилди -- 21.00. 1 2 3 4 5 6.